

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК \_\_\_\_\_

**БОБОНОВА ГУЛЖАМОЛ**

**ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ МЕЪЁРИЙ  
ҲУЖЖАТЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**5А610302- Туроператорлик хизматини ташкил этиш**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар проф. Тухлиев И.С.**

**САМАРҚАНД – 2015**

## МУНДАРИЖА:

	<b>Кириш.....</b>	
<b>I.</b>	<b>Ўзбекистон Республикасининг таълим жараёнида амалга оширилган ислохотлари</b>	
<b>1.1.</b>	Олий таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонуний асослари	
<b>1.2.</b>	Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг ҳукумат қарорларига асосан туризм соҳасидаги таълим жараёнига критилган янгиликлари	
<b>1.3.</b>	Туризм соҳасидаги касб-ҳунар таълими тизимида амалий таълимни режалаштириш ҳужжатларини ташкиллаштириш	
<b>1.4.</b>	Олий таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида амалий машғулотларнинг таълим технологияси ва технологик харитаси тузилмасидаги ўзгаришлар	
	Биринчи боб бўйича хулоса	
<b>II.</b>	<b>Ўзбекистонда олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятлари</b>	
<b>2.1.</b>	Олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш жараёнлари	
<b>2.2.</b>	Магистратура мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги стандартлар билан қиёсий таққослаш	
	Иккинчи боб бўйича хулоса	
<b>III.</b>	<b>Туризм соҳасида таълим жараёнининг меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш йўллари</b>	
<b>3.1</b>	Туризм соҳасига юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш	
<b>3.2.</b>	Туризм соҳасида хавфсизликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш жиҳатлари	
	Учунчи боб бўйича хулоса	
	<b>Хулоса.....</b>	
	<b>Таклифлар.....</b>	
	<b>Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....</b>	

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок республикамызда туризмни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар изчиллик билан амалга татбиқ этилди. Президентимизнинг 1992 йил 27 июлдаги Фармониға асосан “Ўзбектуризм” миллий компаниясига асос солинди. Муҳими, ўтган давр мобайнида туризм соҳасининг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базаси яратилди. Жумладан, 1999 йилда қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги Қонун туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир.

Миллий туризм тараққиёти малакали кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Бугунги кунда соҳа учун Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Урганч, Бухоро, Қарши давлат университетлари ва пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида мутахассислар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидаги туризмға ихтисослашган касб-ҳунар коллежларида юзлаб ўғил-қизлар сабоқ олмоқда.

Ҳозирги даврда мамлакатни иқтисодий модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги кадрларни тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди. Шуларни ҳисобға олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Республикада ушбу соҳа учун мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим тизимиға оид 10 дан ортиқ фармонлари ва қатор фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 50 дан ортиқ қарор ва фармойишлари, шунингдек Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ваколатиға кирувчи масалалар юзасидан меъёрий-услубий ҳужжатлар қабул қилинди.

Олий таълим соҳасида орттирилган тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доимий равишда такомиллаштирилиб бормоқда. Бу имкониятлардан самарали

фойдаланиш туризм соҳаси олдида турган таълим жараёнининг меъёрий ҳужжатларини такомиллаштиришни амалга ошириш жараёнининг долзарблигидан далолат беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий таълим тизимида туризм соҳасининг кўпгина муҳим назарий ва амалий муаммолари маҳаллий даражада ва хорижий илмий адабиётларда ўз аксини топган. Хусусан, А.Ю.Александрова<sup>1</sup>, И.Т.Балабанов<sup>2</sup>, М.Б.Биржаков<sup>3</sup>, В.А.Квартальнов<sup>4</sup>, И.Енджейчик<sup>5</sup>, Ф.Шерер<sup>6</sup>, М.А.Жукова<sup>7</sup>, Н.И.Кабушкин<sup>8</sup>, А.Э.Саак<sup>9</sup>, А.Д.Чудновский<sup>10</sup> каби хорижлик мутахассислар ҳамда юртдошларимиз Н.Т.Тухлиев<sup>11</sup>, М.К.Пардаев<sup>12</sup>, И.Иватов<sup>13</sup>, И.С.Тухлиев<sup>14</sup>, А.Ф.Саидов<sup>15</sup>, Ф.К.Комилова<sup>16</sup>, Б.Х.Тураев<sup>17</sup>, О.М.Ҳамидов<sup>18</sup>, А.Н.Норчаев<sup>19</sup>, Т.Т.Ташмуратов<sup>20</sup>, Ш.Р.Файзиева<sup>21</sup>, Д.Х.Асланова<sup>22</sup> каби иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилмоқда.

<sup>1</sup> Александрова А. Ю. Международный туризм: Учебное пособие для вузов. - М.: Аспект Пресс, 2001. – 464 с.

<sup>2</sup> Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. Уч. Пособие. - М.: Финансы и статистика, 2003. –176 с.

<sup>3</sup> Биржаков М.Б. Введение в туризм. – Издание 9-е переработанное и дополненное. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2007. – 576 с.

<sup>4</sup> Квартальнов В.А. Туризм: история и современность: Избр. произведения: В 4-х т. - М.: Финансы и статистика, 2002. – 499 с.

<sup>5</sup> Енджейчик И. Современный туристский бизнес. - М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.

<sup>6</sup> Шерер Ф., Росс Д. Структура отраслевых рынков: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 1997. – 698 с.

<sup>7</sup> Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе: учебное пособие. - 2-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2006. – 193 с.

<sup>8</sup> Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4е изд., стереотип. - Мн.: Новое знание, 2004.- 409 с.

<sup>9</sup> Саак А.Э., Пшеничных Ю.А. Менеджмент в социально-культурном сервисе и туризме. - СПб.: Питер, 2006. – 512 с.

<sup>10</sup> Чудновский А.Д., Жукова М.А. Менеджмент в туризме и гостиничном хозяйстве. – М.: КНОРУС, 2005. – 320 с.

<sup>11</sup> Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. – 424 б.

<sup>12</sup> Пардаев М.К., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. - С.: СамИСИ, 2006 – 137 б.

<sup>13</sup> Иватов И. Ресторанное хозяйство в туристической сфере. Учебное пособие. - Т.: ТГЭУ, 1998. – 131 с.

<sup>14</sup> Тухлиев И.С. ва бошқа муаллифлар. Туризмни режалаштириш. Дарслик. - Т.: «Iqtisod-Moliya» нашриёти, 2010. – 238 б.

<sup>15</sup> Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом Республики Узбекистан: Дис....док.экон.наук. -Т.: 1994. -252 с.

<sup>16</sup> Камилова Ф.К. Халқаро туризм бозори. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ 2007. – 192 б.

<sup>17</sup> Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. Т.: «Фан», 2009. – 154 с.

<sup>18</sup> Ҳамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана. Дис....канд.экон.наук. -С.: СамИСИ, 2006. – 155 с

<sup>19</sup> Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири (Испания мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т.: 2004. – 136 б.

<sup>20</sup> Ташмуратов Т.Т. Халқаро туризм. - Т.: Турон – Икбол., 2007. – 320 б.

<sup>21</sup> Файзиева Ш. Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т.: 2006. – 156 б.

<sup>22</sup> Асланова Д.Х. Ўзбекистонда таълим туризмини ривожлантиришнинг назарий асослари. «Хизмат кўрсатиш соҳасининг инновацион ривожланишини таъминлаш муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари. СамИСИ 2012 йил, 25-27 апрел.

Узлуксиз таълимнинг туризм соҳасидаги таълим жараёнини такомиллаштириш масалалари етарли даражада илмий жиҳатдан ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда туристик бозор иштирокчилари томонидан амалий хусусиятга эга илмий тадқиқотларга юқори талаб диссертация мавзусининг аҳамияти ва ўз вақтида танланганлигини белгилайди. Айнан шу ҳолат диссертация мавзусининг долзарблигини, тадқиқот объектини ва предметини танлаш ҳамда унинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мавзу бевосита республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига тўғри келади. Тадқиқот иши Самарқанд иқтисодиё ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан бевосита боғланган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Бозор муносабатлари шароитида туризм соҳасида таълим жараёнининг меъёрий ҳужжатларини такомиллаштиришни амалга оширишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертация ишида тадқиқот мақсадининг амалга оширилиши учун куйидаги вазифалар қўйилди ва амалга оширилди:

- Олий таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонуний асослари;
- Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг ҳукумат қарорига асосан туризм соҳасидаги таълим жараёнига киритилган янгиликлари;
- туризм соҳасидаги касб-ҳунар таълими тизимида амалий таълимни режалаштириш ҳужжатларини ташкиллаштириш;
- Ўзбекистонда олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятлари;
- Олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш жараёнлари;

- магистратура мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги стандартлар билан қиёсий таққослаш;
- туризм соҳасида таълим жараёнининг меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш йўллари;
- туризм соҳасига юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- туризм соҳасида хавфсизликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш жиҳатлари

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот *объекти* туризм соҳасини барқарор ривожланишини таъминлайдиган меъёрий ҳужжатлар мажмуаси ҳисобланади.

Тадқиқот *предмети* туризм соҳасини барқарор ривожланишини таъминлайдиган меъёрий ҳужжатлар тизимини шакллантириш муносабатлари ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари.** Иқтисодий ва бошқарув жараёнларини тадқиқ этиш, қиёслаш, тизимли ёндашув, мантиқий статистик таҳлил, социологик сўров ва эксперт баҳолаш усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси.** Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг меъёрий ва йўриқ ҳужжатлари, шунингдек, тадқиқот ишида мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг мавзу доирасидаги илмий ишлари, тавсиялари ва уларда қўлланилган услубий тамойиллар асос қилиб олинди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси** Узлуксиз таълимнинг туризм соҳасидаги таълим жараёнини такомиллаштириш масалалари етарли даражада илмий жиҳатдан ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда туристик бозор иштирокчилари томонидан илмий

тадқиқотларга юқори талаб ва танланган диссертация мавзусининг илк маротаба Ўзбекистон шароитида ўрганилиши илмий жиҳатдан янгилик даражасини белгилайди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи** Президентимиз такидланганидек бугунги кунда Олий таълимнинг такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларини тайёрлаш борасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойиллари асосида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг фан дастурларини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Ишда амалиётга татбиқ қилиш учун такомиллашган Давлат таълим стандартлари ва классификатор таклиф қилинмоқда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, **102 бет, 12 та жадвал, 17 та расм ва 5 та иловаларни ўз ичига олади.**

Диссертациянинг кириш қисмида танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган.

**“Ўзбекистон Республикасининг таълим жараёнида амалга оширилган ислохотлар”** деб номланган биринчи бобда иқтисодий-технологик модернизация қилиш шароитида Олий таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонуний асослари ёритилди, Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг ҳукумат қарорига асосан туризм соҳасидаги таълим жараёнига критилган янгиликлари очиқ берилди ҳамда туризм соҳасидаги касб-хунар таълими тизимида амалий таълимни режалаштириш ҳужжатларини ташкиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек Олий таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида амалий машғулотларнинг таълим технологияси ва технологик харитаси тузилмасидаги ўзгаришлар келтирилган.

**“Ўзбекистонда олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятлари”** номли иккинчи бобда Олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик

стандартлар билан уйғунлаштириш жараёнлари аниқ мисоллар ёрдамида кўриб чиқилди. Магистратура мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги стандартлар билан қиёсий таққослаш Самарқанд иқтисодиё ва сервис институтининг туризм соҳасидаги таълим тизими мисолида ёритилди.

**“Туризм соҳасида таълим жараёнининг меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш йўллари”** номли учинчи бобда туризм соҳасига юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ вазирликлар учун таклифлар берилди ва туризм соҳасида хавфсизликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тавсия қилинди.

Ишнинг якуний қисмида ўтказилган тадқиқотлар юзасидан илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

# 1.БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРИ

## 1.1.Олий таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонуний асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганидан буён таълим мазмуни тубдан ўзгарди. Таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизими шаклан ва мазмунан қайта кўриб чиқилди.

Республикамызда узлуксиз таълимнинг жорий этилиши таълим соҳасининг бошқаруви органлари зиммасига бир қатор вазифаларни ҳал этиш ва уларни доимо такомиллаштириб боришни тоқозо этмоқда Бу ўринда таълим жараёнини сифатли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган давр ичида зикр қилинган қонунларнинг ижроси бўйича кўйидаги соҳаларда қонунчиликка оид ва меъёрий ҳужжатлар қайта қабул қилинди:

- Таълим-тарбия тизимини бошқариш;
- Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш;
- Молиялаштириш ва моддий техник таъминот;
- Педагог ва илмий педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- Таълим хизматлари бозорини ривожлантириш;
- Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро алоқалар;
- Чет тилларини ўрганиш;
- Электрон кутубхоналар яратиш ва ягона тармоққа бирлаштириш;
- Таълим соҳасида ижтимоий ва молиявий давлат ёрдами таъминлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим тизимиغا оид 10 дан ортиқ фаврмонлари ва қатор фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 50 дан ортиқ қарор ва фармойишлари, шунингдек Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ваколатига кирувчи масалалар юзасидан меъёрий-услубий ҳужжатлар қабул қилинди.

Олий таълим соҳасида орттирилган тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доимий равишда такомиллаштирилмоқда Олий таълимнинг такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларини тайёрлаш борасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойиллари асосида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг фан дастурлари модернизациялашмоқда.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Вазирлар Маҳкамасининг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хусусан айрим иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини жадал юксалтириш, янги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини ташкил этиш ҳақидаги бир қатор қарорларга, шунингдек олий маълумотли кадрларнинг асосий истеъмолчилари бўлган вазирлик ва идоралар (ташкилотлар, муассасалар) ҳақида бевосита олий таълим муассасаларининг таклифларига асосан таълим йўналишлари ва мутахассислари тайёрланди


Мамлакатимизда қабул қилинган миллий дастурга кўра, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Бу авваламбор 12 йиллик тўлиқ бепул, мажбурий таълим қонуний асосда йўлга қўйилганини аниқлатади. Агар инсон ўз мамлакати Конституцияси, халқи ва Ватани олдидаги фарзандлик бурчини бажаришни истаса, у биринчи навбатда ўз фарзандининг 12 йиллик таълим олишини таъминлаши, бунинг учун барча-барча шароитларни яратиб бериши керак.

Бу моделнинг принципиал хусусияти авваламбор шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида

талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайдилар.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш дастури ҳаётимизга муваффақиятли жорий этилиши натижасида узлуксиз таълимнинг замонавий талабларга жавоб берадиган яхлит тизими яратилди. Бу тизим таълим жараёнларининг барча босқичларини – мактабгача ва мактаб таълимидан тортиб ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим бўғинини, шунингдек, халқаро меъёрларга мос ҳолда бевосита фан доктори даражасини олиш учун диссертация ҳимоясини назарда тутадиган олий таълимдан кейинги бир босқичли таълимни ўзига қамраб олади.

### Ўзбекистон Республикасидаги узлуксиз таълим тизими



Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар бошланганидан буён олий ўқув юртлари сони 2 марта ошди, бугунги кунда 60 та университет ва институтда 230 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть

ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар академияси ва Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти – Кембриж университети билан биргаликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда.

2014 йилнинг сентябрь ойдан бошлаб юртимизда, юқорида зикр этилганидек, Жанубий Кореянинг Инха университети филиали фаолият кўрсатиб келмоқда, унинг асосий йўналишини ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер муҳандислиги соҳасидаги таълимни ташкил этади.

Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон давлат бюджетидан ҳар йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири – “ИНСЕАД” томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

Такидлаш жойизки, бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимидаги ислоҳатларга катта аҳамият бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қуйидаги вазифаларни ҳал этилишини назарда тутди:

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш.

**Туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қаторига ҳам киритилган. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида белгиланганидек туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш; кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалалари туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.**

Ҳозирги даврда мамлакатни иқтисодий модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги кадрларни тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Республикада ушбу соҳа учун мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириши мумкин ва зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорликлар бор.

Мамлакатимизда юксак сифати ва эстетик жозибаси, қадимги санъат анъаналарини ўзида сақлаб келаётгани билан ажралиб турадиган миллий хунармандликни қайта тиклаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда миллий хунармандлик соҳаси солиқлардан тўлиқ озод этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Хунарманд усталаримизнинг неча асрлик тажрибасидан юртимиздан ташқарида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Париж, Лондон, Берлин, Рим, Токио, Мадрид ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтказилаётган йирик сайёҳлик кўргазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Юқоридаги хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган барча шахслар бевосита туризм соҳасида фаолият ўтаётган ходимлар ҳисобланади. Ҳозирда ушбу соҳалар учун шундай мутахассисларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилган бўлиб, ушбу тизим йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилаяпти ва албатта жаҳон андозаларига ва талабларига мос равишда шакллантирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида такидланганидек "... юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда"<sup>23</sup>.

Президентимиз такидланганидек бугунги кунда Олий таълимнинг такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларини тайёрлаш борасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойиллари асосида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг фан дастурларини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // Моҳият.2014. 3 октябрь №40.

Бунга мисол сифатида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “ Туризм сервиси ва меҳмонхона хўжалиги” таълим йўналишидаги бакалаврлар тайёрлаш бўйича ўқув режалари таҳлил қилинганда вазирликнинг № 343 Қарорига нисбатан кадрлар тайёрлашнинг вақт бюджетида салмоқли ўзгаришлар бўлганини кўриш мумкин. Ҳозирги ўқув режалардаги вақт бюджетига № 343 Қарорга нисбатан қуйидаги ўзгаришлар киритилган.

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>№343 Қарор бўйича Намуна</b>	<b>Ҳозирги ўқув режалар</b>
Умумий ҳафталар сони	204	204
Назарий ўқув ҳафталар сони	136	136
Назарий ўқувнинг вақт бюджети соатларда	7344	7344
Ўқув режанинг предметлар сони	49	45
Фанлар блокининг сони	5	6
Ҳафтадаги соатлар сони	36	28
Гуманитар предметларнинг соатлар сони	1836	1704
Умумий соатлар сонидagi гуманитар предметлар соатининг улуши	25,0%	23,2%
Аттестациялар (имтихонлар сессияси и ГЭК)	19	2
Малакавий амалиёт	12	22
Малакавий ишни тайёрлаш	5	8
Татиллар	32	36

Кадрлар тайёрлаш дастурда белгиланган вазифалардан тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг

механизмларини ишлаб чиқишда Бутунжаҳон туристик ташкилотининг (БМТ) TedQual сертификатлаштириш тизимини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (Мадрид, Испания) ва унинг «Темис» туристик таълимнинг сифат институти (Андорра) туристик таълимни ташкил этиш қоидаларига сифат ва самарадорликни жорий этиш мақсадида TedQual (ТедКвол — туристик таълим сифати) сертификатлаштириш тизимини жорий этдилар. TedQual тизими ИСО стандартларига мос равишда тартибга солинади.

TedQual тизимини батафсил кўриб чиқадиган бўлсак, TedQual сертификатлаштириш тизими дунёнинг барча давлатларидаги давлат ёки хусусий, барча ўқув муассасалари учун очиқ ҳисобланадиган туристик таълимнинг сифат дастурини таъминлаш тизимидир, ўз манфаатларини белгиланган жараён орқали БТТда намойиш қилувчи ўқув муассасалари талабномаси бўйича амалга оширилади. Сертификатлаштиришга даъвогарлик қилувчи туристик таълим дастурлари академик даража ва таълим давомийлигидан қатъий назар белгиланган сифат стандартларига мос келиши шарт бўлади.

ИСО 9001:2000 халқаро стандартларидан фарқли равишда WTO TedQual малакавий туристик таълим соҳасида ташкилотларнинг ихтисослашувига мос келадиган фаолият кўрсатувчи сифат менежменти тизими (СМТ)ни такомиллаштириш учун мўлжалланган. WTO TedQual сертификатлаштириш тизими талабларининг мазмунидан шу нарса келиб чиқадигани ташкилот жамоаси умумқабул қилинган халқаро сертификатлаштириш тизимида сифат тизими терминлари, ташкилотнинг жараёнли моделини тузишнинг замонавий тамоилари, ташкилотдаги ҳужжат айланувини шакллантиришга бўлган талаблар ҳамда СМК фаолиятига кўмаклашиш ва уни такомиллаштириш жараёнларида ўз ўзини бошқариш талаблари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак экан.

TedQual тизими олий таълим муассасасида аниқланган камчиликларни

бартараф этиш учун зарурий чора тадбирларни қабул қилиш ҳамда вазиятни реал баҳолашга имкон берувчи қатор кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва ҳамда уларни жорий этишни тавсия этади. Биринчи кўрсаткич қуйидагиларни ўз ичига олади:

- олий ўқув юртини ўқув йилининг биринчи йилида тарқ этувчи талабалар фоизи, талабалар сафидан чиқарилиш сабабини аниқлаш;
- ўқув машғулотларига келмайдиган талабалар фоизи, ҳамда уларнинг сабабларини аниқлаш;
- имтиҳонлардаги талаблар таълим даражасига мослигини аниқлашга имкон берувчи турли фанлар бўйича талабаларнинг имтиҳонлардан оладиган баҳоларининг таҳлили;
- шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг тўлов суммасини тўламаган талабалар сони (тўлов қандайдир даврийликда амалга оширилиш шarti билан), бу кўрсаткич талабаларнинг таълим хизматлари даражасидан қониқмаганлигидан далолат беради;
- таълимни тугатгандан сўнг ҳам таълим муассасаси билан алоқаларни узмайдиган талабалар сони, бу эса ўз навбатида олинган билимлардан битирувчининг қониққанлигидан далолат беради;
- битирувчиларнинг тавсияларига кўра ўқишга кирган талабалар сони.

Таълим тизимидаги самарадорликнинг иккинчи кўрсаткичи бўлиб битирувчиларнинг касбий муҳитга мослашиши ҳисобланади. Мазкур жараёнинг мақсади таълим маҳсулотининг иш берувчи (туризм бозори) талабларига мослигини аниқлаш бўлиб, якуний натижада битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашга имкон беради. Талабанинг мутахассислигини танлашига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири бўлиб, унинг мувафақиятли ишга жойлашиши ҳисобланади. Бунда энг

муҳими юқоридаги жараён қанчалик тез кечиши ҳамда у ижтимоий ва хизмат поғонасига қанчалик тез кўтарилиши муҳимдир. TedQual олий ўқув юрти битирувчиларнинг касбий ва хизмат поғоналарида ўсишини кузатишни ҳамда уларни қайд қилишни талаб этади, мазкур йўналишни ўрганишга имкон берувчи қатор сифат кўрсаткичларини аниқлашни тавсия этади. Жумладан:

- ўқишни тугатганларининг биринчи йилидаёқ туризм индустриясига ишга жойлашган битирувчиларнинг фоизи, бу эса уларнинг олган малакалари соҳа талабларига жавоб беришини белгилашга имкон беради;
- ўзларининг мутахассислиги бўйича ишга жойлашган битирувчилар фоизи, бу эса уларнинг тайёргарлик даражаси соҳа талабларига мос келишини белгилашга имкон беради;
- олий ўқув юртининг ҳатти ҳаракатлари ёки мустақил тарзда ишга жойлашган битирувчилар сони. Битирувчиларнинг талаб этилиши муассаса нуфузини яратиб унинг даражасини аниқлашга имкон беради;
- ишга жойлаштириш бўлимлари ёки таълим муассасасида шунга ўхшаш бўлинмалар амал қилса шулар орқали ишга жойлашган талабалар сони.

Учинчи кўрсаткич бу академик ўқув ҳужжатларининг ташкил этилишидир. Талаба учун академик ҳужжатлаштиришни тўғри расмийлаштириш дастур доирасида таълим беришнинг ҳуқуқий кафолатидир. Одатда ҳужжатларни расмийлаштириш намуналари ҳар бир таълим тизими учун белгиланган ҳуқуқий меъёрларга мос равишда белгиланади, бироқ қатор умумий тавсифлар амал қилади: бажариш муддатини ҳамда жавобгар шахсларни белгилаш талаб этилади; қонуний меъёрларга мос равишда талабаларнинг шахсий ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва меъзонлари қатъий белгиланади; тақдим этилаётган маълумотлар махфийлигига риоя этилади; мазкур хизматда

фаолият кўрсатаётган хизматчилар учун ҳужжатларнинг очиқлиги тартибга солинади.

TedQual сертификатларида қуйидагилар тасдиқланади:

- академия ўқув режалари Бутунжаҳон туристик ташкилоти стандартларига мос келади, туризм индустрияси учун кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзи эса етарли даражадаги сифат даражасида амалга оширилади;
- ўқув муассасаси Themis Foundation – БТТ таъсис этган махсус институт белгилаган талабларга мос келади, ҳамда халқаро миқёсда тан олинган ўз обрўйига эга;
- ўқув муассасаси таълим хизматларининг халқаро бозорида мутахассислар тайёрлаш дастури сифати билан тан олинганлиги;
- ўқув муассасаси туризм индустрияси учун кадрлар тайёрловчи дунёдаги янада нуфузли ўқув муассасини ташкил этувчи Бутунжаҳон туристик ташкилоти қошидаги таълим бирлашмаси таркибига кириш ҳуқуқини олади.

Туризм таълим сифатини оширишда Unwto Tedqual тизимини жорий қилиш олий таълим муассасасида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва зарурий чора тadbирларни қабул қилиш ҳамда вазиятни реал баҳолашга имкон берувчи қатор кўрсаткичларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

## **1.2. Ўзбекистон узлуксиз таълимининг ҳукумат қарорларига асосан туризм соҳасидаги таълим жараёнига киритилган янгиликлари**

Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги кўп жиҳатдан миллий кадрларнинг интеллектуал салоҳияти, малакалари ва касбий маҳорати, уларнинг ваколатлилиги, ҳолатларни прогноз қилиш ва иқтисодий вазиятни адекват баҳолаш қобилиятига, шунингдек самарали бошқарувчилик ечимларининг қанчалик ўз вақтида қабул қилиниши ва уларнинг амалиётда қандай амалга оширилишига боғлиқ бўлади. Давлат таълим стандартига кўра талабалар – бўлғуси мутахассисларда теран умумий илмий билимларни, корхона,

минтақа, мамлакат миқёсида вужудга келаётган, кенг доирадаги иқтисодий ва ижтимоий масалалар билан боғлиқ бўлган муаммоларни амалиётда ҳал қилиш учун қўлланиш қобилиятини, турли динамик ривожланиб бораётган амалий вазиятлар шароитида мустақил тарзда ҳаракатланиш ва оқилона ечимларни қабул қилиш маҳорати ва шунга тайёрликни шакллантириш - уларни иқтисодий олий ўқув юртида ўқитиш мақсади қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон [қарорига](#) асосан Ўзбекистон узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари қабул қилинган.

Мазкур стандартлар [«Таълим тўғрисида»](#), [«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»](#)ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида» 1997 йил 6 октябрдаги [ПФ-1869-сон](#) ва «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги [ПФ-2107-сон](#) фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 5 январдаги [5-сон](#), «Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 11 мартдаги [109-сон](#) қарорлари ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Олий таълимнинг давлат таълим стандартининг(ОТ ДТС ) асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйиладиган умумий талабларни;
- таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражаси ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган умумий малакавий талабларни;

- ўқув юкламасининг ҳажмини;
- таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиботлари ҳамда механизмини белгилайди.

ОТ ДТС ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар (бакалаврият йўналишлари, магистратура мутахассисликлари учун давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

ОТ ДТС олий маълумотли кадрлар тайёрлашда идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

ОТ ДТС га Кадрлар тайёрлаш миллий [дастури](#) босқичларини амалга ошириш жараёнида, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда тузатишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

***Мазкур стандартда қуйидаги атамалар қўлланилган:***

- олий таълим— узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади.
- Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалаврият ва магистратура.
- бакалаврият— ўрта махсус, касб-хунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим;
- магистратура — бакалаврият негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;

- бакалавр, магистр — олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар;
- олий маълумот даражаси — шахс томонидан олий таълимнинг муайян таълим дастурини мазкур маълумот ҳақида тегишли давлат ҳужжати берилган ҳолда, ўзлаштириши натижаси;
- олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом) — аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг таълим дастурларини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат. Ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш ҳуқуқини беради;
- олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори — олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати;
- олий таълимнинг давлат таълим стандарти — таълимнинг бакалаврият муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган эталон даражаси;
- малака талаблари — узлуксиз таълим тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар;
- ўқитишнинг меъёрий муддати— таълим олувчилар томонидан таълим дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат;
- таълим дастури — ўқув фанларининг бакалаврият йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларига қўйиладиган малака

талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи, блокларга жамланган рўйхати;

- ўқув фанлари блоки — таълим дастурининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми;
- ўқув режаси — олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат;
- ўқув фани — таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, ўқув ва кўникмалар тизими;
- ўқув йили — олий таълим муассасасида бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаолияти даври. Ўқув йили икки календарь йил билан белгиланади, масалан, 2001/2002 ўқув йили;
- ўқув семестри — олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми;
- ўқув фани дастури — таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат;
- малака амалиёти — ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва ўқув ҳосил қилиш, таълим дастурининг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми;
- якунловчи давлат аттестацияси — бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси,

битирув иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим дастурининг бажарилиши сифатини баҳолаш;

- ўқитиш сифатини назорат қилиш — талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;
- таълим сифатини назорат қилиш — ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш;
- олий таълим муассасаси аттестацияси — олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг ОТ ДТС талабларига мувофиқлигини аниқловчи тадбир;
- олий таълим муассасаси аккредитацияси — олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг ОТ ДТС мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

### **Олий таълимни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифалари ва турлари.**

Олий таълим стандартлари қуйидаги тоифаларга бўлинади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

- Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;
- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.

Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

- бакалаврият йўналишлари давлат таълим стандартлари;
- магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартлари.

Муайян бакалаврият йўналиши ёки магистратура мутахассислиги давлат таълим стандарти қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- зарварақ (титул);
- мундарижа;

- бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг умумий таснифи;
- бакалавр ёки магистр тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар;
- таълим дастури мазмуни ва компонентлари;
- кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш.

Норматив ҳужжатлар турлари. Қуйидагилар олий таълимнинг норматив ҳужжатлари ҳисобланади:

- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурлари;
- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим муассасаларининг муайян иш фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар.

### **Ўқув юкламасининг ҳажми**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига асосан янги такомиллашган Давлат таълим стандартлари талабларига кўра ўқув режадаги ўқув юкламасининг ҳажми қуйидагича тақсимланган:

### **Бакалавриат**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Кундузи ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим —63-70 фоиз;
- аттестация — 8-10 фоиз;
- таътил — 12-16 фоиз;
- малака амалиёти —6-12 фоиз;
- битирув иши —2-3 фоиз.

Назарий таълим ҳажми билим соҳаларига қараб фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади(масалан, хизматлар соҳаси):

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар — 15-20 фоиз;
- математик ва табиий-илмий фанлар— 10-15 фоиз;
- умумқасбий фанлар— 45-50 фоиз;
- ихтисослик фанлари— 10-15 фоиз;
- кўшимча фанлар — 5-7 фоиз.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-10 ҳафта қилиб белгиланади.

Бакалаврият йўналиши ўқув режасининг намунаси ҳукумат қарорлари асосида ишнинг давлат таълим стандартларини такомиллаштириш парагрифида батафсил ифодаланган

### **Магистратура**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Кундузи ўқиш шакли учун аудитория машғулоти ва илмий фаолиятнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати икки йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 100 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим — 25-30 фоиз;
- аттестация — 4-7 фоиз;
- таътил — 13-16 фоиз;
- илмий фаолият — 50-55 фоиз.

Илмий фаолият қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш — 70-75 фоиз;
- илмий-педагогик иш ва малака амалиёти — 25-30 фоиз;
- Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:
- умумметодологик фанлар — 30-35 фоиз;
- мутахассислик фанлари — 40-50 фоиз.
- танлов фанлари—13-30 фоиз.

Магистратура ўқув режасининг намунаси ҳукумат қарорлари асосида давлат таълим стандартларини такомиллаштириш парагрифида батафсил ифодаланган

**Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган Классификаторини жорий қилиш**

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторининг эталонини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли ва 2011 йил 4 июлдаги “2011-2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги ПҚ-1564-сонли қарорлари асосида республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларининг тармоқларига зарур бўлган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган Классификатори ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда вазирликнинг 2011 йил 18 июлдаги 302 – сонли буйруғи билан тасдиқланди.

Янгиланган классификаторга мувофиқ таянч олий таълим муассасалари иштирокида республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва

хўжалик юретиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида олий таълимнинг 6 та билим соҳалари бўйича бакалавриятнинг 165 та таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг 447 та Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг тармоқ илмий тадқиқот институтлари, кадрлар истеъмолчиси бўлган йирик корхоналар ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда такомиллаштирилди ҳамда вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиққа тавсия этилди.

**Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган Классификаторига мувофиқ ишлаб  
чиқилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари**

Т/р	Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
		Бакалаврият йўналишлари	Магистратура мутахассисликлари
		5-босқич	5А-босқич
	<b>ГУМАНИТАР СОҶА</b> <i>Педагогика</i>	<b>100 000</b> <b>110 000</b>	
<b>1.</b>	<b>Таълим йўналиши: <i>Математика ўқитиш методикаси</i></b>	<b>5110100</b>	
	•Математика ўқитиш методикаси		5A110101
<b>2.</b>	<b>Таълим йўналиши: <i>Физика ва астрономия ўқитиш методикаси</i></b>	<b>5110200</b>	
	•Физика ўқитиш методикаси		5A110201
	•Астрономия ўқитиш методикаси		5A110202
<b>3.</b>	<b>Таълим йўналиши: <i>Кимё ўқитиш методикаси</i></b>	<b>5110300</b>	
	•Кимё ўқитиш методикаси		5A110301
<b>4.</b>	<b>Таълим йўналиши: <i>Биология ўқитиш методикаси</i></b>	<b>5110400</b>	
	•Биология ўқитиш методикаси		5A110401
<b>5.</b>	<b>Таълим йўналиши: <i>География ўқитиш методикаси</i></b>	<b>5110500</b>	

<b>ХИЗМАТЛАР СОҶАСИ</b> <i>Хизмат кўрсатиш сҳаси</i>	<b>600 000</b> <b>610 000</b>	
<b>Таълим йўналиши: <i>Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)</i></b>	<b>5610100</b>	
•Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)		5A610101
<b>Таълим йўналиши: <i>Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш</i></b>	<b>5610200</b>	
<b>Таълим йўналиши: <i>Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)</i></b>	<b>5610300</b>	
•Туризм (фаолият турлари бўйича)		5A610301
•Туроператорлик хизматини ташкил этиш		5A610302

**Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг олдинги  
Классификаторига мувофиқ ишлаб чиқилган Давлат таълим  
стандартлари ва ўқув режалари**

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Кодлар	
	Бакалаврият йўналишлари	Магистратура мутахассислик- лари
	5-босқич	5А-босқич
<b>ТАЪЛИМ</b> <i>Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани</i>	<b>100 000</b> <b>140 000</b>	
<b>Таълим йўналиши: Математика</b>	<b>5140100</b>	
•Математика		5А140101
<b>Таълим йўналиши: Физика ва астрономия</b>	<b>5140200</b>	
•Физика		5А140201
•Астрономия		5А140202
<b>Таълим йўналиши: Кимё</b>	<b>5140300</b>	
•Кимё		5А140301
<b>Таълим йўналиши: Биология</b>	<b>5140400</b>	
•Биология		5А140401
<b>Таълим йўналиши: География ва иқтисодий билим асослари</b>	<b>5140500</b>	
•География		5А140501
<b>ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ</b> <i>Хизмат кўрсатиш соҳаси:</i>	<b>800 000</b> <b>810 000</b>	
<b>Таълим йўналиши: Туризм (фаолият турлари бўйича )</b>	<b>5810100</b>	
•Туризм (фаолият турлари бўйича)		5А810101
•Халқаро туризм		5А810102
•Туризм соҳаси сервиси		5А810103
•Туроператорлик хизматини ташкил этиш ва бизнес		5А810104
•Халқаро туризм операторлик хизмати		5А810105
•Туризм экскурсоводлик хизматини ташкил этиш		5А810106

### **1.3. Туризм соҳасидаги касб-ҳунар таълими тизимида амалий таълимни режалаштириш ҳужжатларини ташкиллаштириш**

Бугунги кунда Республикамизда ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши, Давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқилиши ва Олий таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар бунга ёркин мисол бўлади. Айниқса **янги типдаги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимининг вужудга келиши олдимизда янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Халқ хўжалигини ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассислар билан таъминлаш ушбу таълим тизимининг зиммасига юклатилган муҳим ва маъсулиятли вазифадир.** Бу эса ўз навбатида ушбу таълим тизимини илғор таълим технологиялари билан қуролланган малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминлашни талаб қилади. Таълим жараёнининг асосий ташкил этувчиларидан бўлмиш замонавий дидактик воситаларни ўзлаштириб олиш бу вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бугунги кунда таълим соҳасида фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган аудиовидео, телекоммуникация ва информацион техника ва технологияларнинг қўлланилиши катта аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун уларнинг дидактик имкониятлари билан танишиб чиқиш ва машғулотларда уларни қўллашни ўрганиш бўлажак ўқитувчилар учун, уларнинг келажак фаолиятида катта ёрдам беради.

**Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун олий маълумотли ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими вужудга келтирилган.**

**Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 1537 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида 214 та талаб этилаётган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 115,8 минг нафар педагог ходимлар кадрлар тайёрлашни амалга оширмоқдалар, уларнинг 90,6 фоизи олий маълумотга эга, ўқитувчи кадрларнинг 70 фоиздан кўпроғи 40 ёшгача бўлган юқори малакали мутахассислардир.**

Шу билан бирга махсус комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланишича, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг раҳбар ва педагог кадрларини танлаш тизимида, авваламбор, уларнинг малакаси етарли эмаслиги ҳамда қўйилаётган талабларга мувофиқ эмаслиги билан боғлиқ жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд.

Касб-ҳунар коллежларини ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан таъминлаш кўп жиҳатдан уларнинг тегишли базавий тайёргарлигини, педагогик ва амалий иш тажрибаси мавжудлигини ҳисобга олмасдан расмий равишда амалга оширилмоқда.

Натижада ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ўқув жараёни тегишли даражада ташкил қилинмаган, машғулотлар асосан анъанавий мактаб таълими услубларига таянган ҳолда ўтказилмоқда. Замонавий илғор педагогик ва янги компьютер, ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, Интернет таълим жараёнига сушт жорий этилмоқда. Касб-ҳунар коллежларини хорижий тиллардан дарс берувчи малакали мутахассислар билан таъминлашга етарлича эътибор берилмаяпти.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг раҳбарлар таркибини педагогик иш соҳасида етарлича тажрибага эга бўлган касб маҳорати юқори мутахассислар билан янада мустаҳкамлаш таклиф этилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбар ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида таркиб топган тизим замон талабларига жавоб бермаяпти.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш зарур бўлмоқда.

Батафсил ўқув режа зарурияти қуйидаги фактдан келиб чиқади: олдиндан белгиланган ўқув мақсадлар белгиланган вақт ичида иложи борича тўлиқ равишда амалга оширилиши лозим. Бунинг учун ўқув жараён ниҳоятда сезгирлик билан бошқариб турилиши керак.

Шу боис устахонада ўтиладиган амалий таълим учун тегишли режалаштириш ҳужжатлари керак бўлади. Бу ҳужжатлар ҳам КХТни бошқараётган муассаса (КХТ менеджменти) учун, ҳам ўқитувчини ўзига йўриқнома ва контроль воситаси сифатида хизмат қилиб, курсларни режалаштириш, ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш ҳамда уларни ташкиллаштириш ишларини осонлаштиради.

Бундай режалаштириш ҳужжатлари борлиги касб-ҳунар таълими равшанлигини таъминлайди ва у умуман мақсадларга мувофиқ ва систематик тарзда амалга оширилаётган ёки оширилмаётганлигини яққол кўрсатади. Шу боис биз режалаштириш босқичлари билан боғлиқ бўлган қандай режалаштириш ҳужжатлари зарур бўлишини кўрсатмоқчимиз.

Ҳужжатларни тайёрлаган пайтда улар ўзи қандай режалаштириш босқичлари учун керак эканлигини ўйлаб чиқиш лозим.

<b>Режалаштириш босқичлари</b>	<b>Вазифа</b>	<b>Ҳужжатлар, масалан:</b>
<b>Мақсад</b>	Таълим ўқув мақсадларига асосланган ҳолда ўтказилиши лозим. Ушбу мақсадлар эса аниқ белгиланган бўлиши лозим.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳуқуқий пойдевор (масалан, Касб-ҳунар таълими тўғрисида Қонун, Касб-ҳунар таълими тўғрисида шартнома, қабул қилиш тести, корхонанинг тартиб-қоидалари)</li> <li>• Тан олинган куррикулум (ўқув режа, Касб-ҳунар таълими тўғрисида Низом)</li> </ul>
<b>Мазмунлар</b>	Таълимнинг мумкин бўлган хилма-хил мазмунлари ичидан айнан белгиланган	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Таълим режа-дастури</li> <li>• Корхонанинг ўқув режаси</li> <li>• Назарий дарс ва инструктаж режалари</li> </ul>

	мақсадларга эришиш учун зарур бўлган мазмунларни танлаш лозим.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Дарсликлар</li> <li>• Дидактик дастурлар ва ўқув воситалари</li> <li>• Курс материаллари (машқлар)</li> <li>• Устахона чизмалари</li> </ul>
--	--	--

<b>Усуллар ва шароитлар</b>	Танланган мазмунларнинг ўқувчиларга етказилиши учун - мавжуд ўқув ва ишлаш шароитларидан келиб чиққан ҳолда – ўқиш ва ишлаш усуллари режалаштирилиши ва қўлланиши лозим.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Шахсий дарс ва инструктаж режалари</li> <li>• Балки, методик иш тартиби режалари</li> <li>• Ўқув-дидактик материаллар инвентар рўйхатлари</li> <li>• Устахонадаги нарсаларнинг инвентар рўйхатлари</li> <li>• Инструментлар берилган-олинганлиги ҳақида протоколлар</li> </ul>
-------------------------------------	--	---

<b>Ташкиллаштириш</b>	Ўқувчилар белгиланган ўқиш жойларидан ўтишлари ва у ерда қолиш вақтлари шундай ташкил қилиниши керакки, ўқиш мазмунлари ўқув мақсадларига мувофиқ қилиниши таъминланган бўлиши керак.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Муассасанинг органиграммаси (ташкилий таркиби)</li> <li>• Бюджетни режалаштириш (кундалик харажатлар)</li> <li>• Амалиёт ўқитувчилари иш жадвали</li> <li>• Ўқувчилар қатнови рўйхатлари</li> <li>• Курс ўтиши режалари</li> <li>• Индивидуал курс режалари</li> <li>• Алмашиниш (ротация) ва ўқиш жойлардан ўтиш жадвали</li> <li>• Устахонадан фойдаланиш жадваллари</li> <li>• Ускуналардан фойдаланиш жадваллари</li> <li>• Аудиториялардан фойдаланиш жадвали</li> <li>• Устахоналар кўриниши</li> <li>• Mashқлар учун керакли ва бошқа чиқим материаллар бўйича</li> </ul>
-----------------------	---	---

		буюртма рўйхатлари
<b>Натижалар</b>	Мақсадга эришилган-эришилмаганлик натижалардан билинади: мақсад – натижа – таққос. Натижалар эса, масалан, тест ва имтиҳонлар орқали аниқланиши лозим.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Назорат протоколлари</li> <li>• Хулқни ва билимларни баҳолаш вароқлари</li> <li>• Имтиҳонлар тўғрисида низом</li> <li>• Оғзаки ва ёзма тестлар учун саволномалар</li> <li>• Имтиҳонлар учун саволномалар</li> <li>• Амалий имтиҳонлар бўйича тест ва имтиҳон ҳужжатлари</li> <li>• Сертификатлар</li> </ul>

Юқоридаги ҳужжатлар рўйхати – бу энг кўп учрайдиган ҳужжатлар бўлиб, уларнинг рўйхатини истаганча кенгайтириш мумкин. Одатда, корхоналар ўзларининг стандартлаштирилган формулярларини ишлатишади. Шунинг учун ҳам, ўқув соҳалар ва устахоналар ҳар хиллигини инобатга олган ҳолда, камида режалаштириш ва ташкиллаштириш ҳужжатлари бир хил бўлиши лозим ва шу тарзда улар асосида бир хил мазмун ва таълим берилаётганлиги таъминланиши керак. Бу яхши текшириш имкониятини яратади ва КХТ менеджментига КХТ курсларини режалаштириш, ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилишни осонлаштиради.

Германияда таълим берувчи фирма ва корхоналар ўз ишларини режалаштириш учун энг муҳим ҳужжат бўлган ва таълим берилаётган касб-хунар бўйича амалдаги «**Касб-хунар таълими тўғрисида Низом**»ига асосланадилар. Ушбу ҳужжат бирор касб-хунар бўйича КХТга тегишли қонунчиликни ва тан олинган КХТ куррикулумини бир бири билан бириктиради ва КХТнинг мақсад ва мазмунларини кўрсатади.

Касб-хунар таълими тўғрисида Низом қуйидаги мазмунлар бўйича аниқ маълумот беради:

- Бутун мамлакатда тан олинган касб-хунарнинг номи
- Касб-хунарнинг (касбий фаолиятнинг) таърифи
- Таълим муддати
- Таълим мақсад ва мазмунларининг таърифи
- Белгиланган ўқув вақтлари

- Имтиҳон талаблари
- Таълимни амалга оширишга оид бошқа қоидалар

«Касб-ҳунар таълими тўғрисида низом» корхоналарда амалий таълимнинг ҳуқуқий кучга эга бўлган дидактик пойдеворидир. Бундай «Низомлар»га қўшимча сифатида «КХТ намунавий режалари» қўлланади. «КХТ намунавий режаси» - КХТ мактабларида ўтиладиган касбий-назарий таълимнинг мазмун пойдеворини ташкил қилади.

**3810101–Туристик хизматлар ташкилотчиси касби бўйича Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тармоқ стандарти** талаблари таълим олувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифати ва даражасини баҳолашда ҳамда ўқув муассасаларини аттестациядан ўтказишда асосий мезон ҳисобланади. Ушбу талабларнинг бажарилиши ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасаларининг битирувчиларига касбий таълимнинг тегишли даражасини олганлиги тўғрисидаги давлат намунасидаги ҳужжат берилиши учун асос ҳисобланади. Стандарт талаблари ўзининг идоравий бўйсунлиги ва мулкчилик шаклларида қатъий назар таълимни бошқариш давлат органлари ва таълим фаолияти субъектлари томонидан татбиқ этилиши мажбурийдир.

Стандартлаштиришнинг мақсади:

«**Туристик хизматлар ташкилотчиси**» касби бўйича сифатли касбга ўргатишнинг давлат томонидан кафолатланишини ва унинг эквивалентлигини меҳнат бозори талабларига мос ҳолда давлат ва нодавлат муассасалари даражасида таълим хизмати мазмуни ва якуний мақсади талаблари регламентига тўғри келишини таъминлаш.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими, меҳнат бозори ва жамият ўртасидаги ўзаро ҳамда қайта муносабатларни қонуний равишда ўрнатишдан иборат.

Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

Кичик мутахассислар тайёрлаш сифатига қўйиладиган зарурий талабларни белгилаш.

**Туристтик хизматлар ташкилотчиси** касби бўйича Давлат таълим стандартлари талабларини ривожланган мамлакатларнинг шу йўналишдаги стандарт талаблари билан мувофиқлаштириш.

Ўқув режа ва дастурлар, битирувчиларга бериладиган диплом ва сертификатлар ҳамда уларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш усуллари ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун замин яратиш.

Касбий тавсифнома

Тайёрлов йўналиши: Туризм

Касби: 3810101 – Туристтик хизматлар ташкилотчиси

- Туроператор;
- Турагент;
- Тураниматор;
- Экскурсовод;

Ихтисосликлари: «Туристтик хизматлар ташкилотчиси» касби бўйича Давлат ва нодавлат туристик корхоналари учун туроператор, турагент , тураниматор ва экскурсоводлик ишларини бажарадиган кичик мутахассисликлар тайёрланади.

## Касбий фаолиятнинг мазмуний кўрсаткичлари

Технологик жараёни схемасига биноан фаолият турлари	Махсус талаблар	Кўникмалар	Билимлар
<b>Туроператор</b>			
1. Туристик ташкилот ишларини олиб бориш	Техника хавфсизлиги коидалари	Факс, телефон, компьютер техникаларини ишлатиш. Маълумотларни киритиш ва уларни қайта ишлаш. Корреспонденция операциялари. Инвен-таризация. Тўлов операциялари. Банк, молиявий ташкилотлар ва бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ишлаш	Коммуникация воситаларидан фойдаланиш. Инструкцияларини билиш. Ахборот технологиялари асослари. Касб этикаси ва психологияси асослари.
2. Туристик йўналишларни режалаштириш ва шартномалар тузиш	«Истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонуни. Махсус географик жойлашув билимлари. «Туризм» қонуни.	Туризмда мавсумийликни инобатга олган ҳолда режалаштириш. Туроператорлик фаолиятида қўлланиладиган ҳужжатлардан фойдаланиш ва фаолиятни қонун доирасида ташкил қила олиш.	Туристик фаолият, туроператорлик асосларини билиш. Ички ва ташқи туризмда ҳамкорлар билан шартномалар тузиш коидалари. Туризмда оид ички ва ташқи қонуний ҳужжатларни билиш.

	Тадбиркорлик фаолиятига тегишли умумий қонуний меъёрий ҳужжатларни билиш.		
3. Туристик йўналишларни ишлаб чиқиш ва сотиш операциялари	«Туризм» қонуни.	Хизмат кўрсатиш дастури тузиш ва уни амалда қўллаш. Ҳаражатлар турлари. Ички туристик ресурсларнинг жойлашувини билиш. Хорижий ҳамкорлар билан ишлаш ва туристик ярмаркаларда қатнашиш.	Хизмат кўрсатиш дастурини тузиш нормаларини билиш. Хисоб-китоб операцияларини билиш. Реклама асосларини билиш. Туристик ярмарка ва биржаларда қатнашиш шартларин билиш.
4. Экскурсион фаолиятни ташкил этиш	Экскурсия объектлари, белгилари ва хусусиятлари, мамлакат тарихини билиш. Хизмат кўрсатиш дастурини, «Туризм» Қонунини билиш.	Экскурсия тайёрлаш ус-лубини билиш. Экскурсия объектларини таснифлаш. Хизмат кўрсатиш дастурларини туза олиш.	Туристик объектларни, уларни танлаш мезонларини, тарихий, археологик ва бошқа зарур маълумотларни билиш.
5. Индивидуал туристлар ва туристик гуруҳлар билан ишлаш	Халқаро этикет нормаларини билиш. Турли давлатлар маданияти ва	Экскурсияларни олиб бо-риш. Туристлар билан мулоқотда бўлиш ва турли саволларга жавоб кайтара олиш. Маълумотларнинг	Халқаро ҳуқуқ нормаларини билиш. Хорижий тилларни билиш. Этика ва психология асосларини билиш.

	менталитетидан хабардор бў-лиш.	мантиқий ва тарихий кетма- кетлигини таъминлай олиш.	
6. Экскурсия жараёнида хавфсизликни таъминлаш	Экскурсия матнининг мантиқий ва тарихий асосланганлигини таъминлаш Замонавий алоқа воситаларидан фойдала-ниш. Туристларга зарур маълумотларни ўз вакти-да етказиш. Зарур хол-ларда биринчи тиббий ёрдамни кўрсата олиш.	Саёҳат давомида ҳамда транспорт техникалари-дан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш ва шу тўғрисида туристларга маълумот етказиш.	Саёҳат жараёнлари ва уларни олиб бориш асосларини билиш. Хавфсизлик техникасини ва биринчи тиббий ёрдам курсатиш асосларини билиш.

**1.4. Олий таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида амалий  
машғулотларнинг таълим технологияси ва технологик харитаси  
тузилмасидаги ўзгаришлар**


**Олий таълим тизимидаги амалий машғулотнинг таълим технологияси  
ва технологик харитаси**

<b>Амалий машғулотнинг таълим технологияси</b>	
1-мавзу	«Туризм хизматлар бозори» фанининг мақсад ва вазифалари
1.1. Таълим бериш технологиясининг модели	
<i>Машғулот вақти- 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 10– 25 гача</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Билимларни чуқурлаштириш ва мустақамлашга қаратилган амалий машғулот
<i>Амалий машғулот режаси</i>	1.1. Туризм хизматлар бозорининг махсус фанларни ўқитишда тутган ўрни 1.2. «Туризм хизматлар бозори» фанининг мақсади ва вазифалари
<i>Ўқув машғулотининг мақсади: Ўқув машғулотининг мақсади: ўқув курси бўйича умумий тушунча бериш. Туризм хизматлар бозорининг махсус фанларни ўқитишда тутган ўрни, «Туристтик хизматлар бозори» фанининг мақсад ва вазифаларини ўргатишдан иборат.</i>	
<i>Педагогик вазифалар:</i> <input type="checkbox"/> туризм хизматлар бозорининг махсус фанларни ўқитишда тутган ўрнини тушунтириш; <input type="checkbox"/> «туризм хизматлар бозори» фанининг мақсади ва вазифаларини аниқлаш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> <input type="checkbox"/> туризм хизматлар бозорининг махсус фанларни ўқитишда тутган ўрнини тушунтира оладилар; <input type="checkbox"/> «туризм хизматлар бозори» фанининг мақсади ва вазифаларини аниқлайдилар
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, «Б\БХ\Б\» усули.
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Жамоа ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Маърузалар матни, маркерлар, қоғозлар, доска, бўр.

<i>Таълим бериш шароити</i>	<b>Техник воситалар билан таъминланган аудитория.</b>
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	<b>Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.</b>

<b>1.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси (1-машғулот)</b>		
<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
<b>I. Мавзуга кириш (10 дақиқа)</b>	1.1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. 1.2. Таълим жараёни интерфаол усуллар орқали амалга оширишини эълон қилади. Талабаларни доира ёки тўртбурчак шаклида столлар атрофида гуруҳларга бўлади.	Тинглайдилар. Талабалар ихтиёрий равишда гуруҳларга бўлинадилар.
<b>II. Асосий босқич (60 дақиқа)</b>	2.1. Талабаларга фаннинг мазмун ва моҳиятини тушунтиради. Саволлар беради. 2.2. Талабаларнинг фикрларини тинглайди. 2.3. Саволларни «Инсерт» усулида ёритиб берилишини ташкил этади ( <i>1-илова</i> ). 2.4. Гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради. Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. 2.5. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини ватман-қоғозларга тушириб, ҳар бир гуруҳ тақдимотини ўтказишга ёрдам беради. Мавзудан келиб чиқиб, қўйилган муаммо кенг ёритилган фикрларни қайд қилади, билимларини умумлаштириб, ягона хулоса чиқаради. 2.6. Ҳар бир гуруҳ жавобларини тинглайди, хатоларини тўғирлайди, тўлдиради. Саволларга тўғри жавоб берган талабаларнинг фикрини тинглайди ва баҳолайди.	Саволларга жавоб берадилар. Ўз фикрларини эркин билдирадилар. Талабалар жамоа бўлиб ишлайдилар.  Ҳар бир гуруҳ ватман қоғозларда вазифани бажарадилар.  Тақдимот ўтказадилар ва хулоса қиладилар.
<b>III. Якуний босқич (10 дақиқа)</b>	3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади. Аниқлайди.

ИНСЕРТ



Инсерт жадвали

Мавзу саволлари	Мен билган маълумотларга мос V	Мен билган маълумотларга зид -	Мен учун янги маълумот +	Мен учун тушунарсиз ?
Туризм хизматлар бозорининг фаолияти нималардан иборат?				

## БББ усули қондаси



## БББ жадвали

### Қўйидаги саволларга жавоб беринг.

Мавзу саволлари	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
<b>Туризм хизматлар бозори субъектларига кимлар киради?</b>			
<b>Туризм бозор хажми деганда нимани тушунасиз?</b>			
<b>Туристтик айланма ҳаракат нима?</b>			

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида амалий машғулотларнинг таълим технологияси ва технологик харитаси**

**Амалий машғулот режаси № 1.**

**Машғулот ўтказиладиган жой:** Ўқув амалиёти устахонасининг “Тренинг” хонаси

<b>Гуруҳлар</b>	<b>ГТ-712</b>	
<b>Дарс ўтиладиган сана</b>		

- Ўқув предметининг номи:** “Туроператорлик ва турагентлик фаолияти” ўқув амалиёти фани
- Машғулот мавзуси:** Турли хил тур маршрутлар калькулятциясини ишлаб чиқиш техникаси

**Дарсга ажратилган вақт миқдори:** 240 минут

**Машғулот мақсадлари:**

- таълимий:** ўқувчиларга турдастур ҳақида тушун бериш, тур дастурда кўрсатилган хизматлар калкулятциясини ҳисоблашда билим, кўникма ва малакаларини шакиллантириш.
- тарбиявий:** ўтилган дарсни маънавий-маърифий боғлаш, ватанпарварлик рўҳини шакиллантириш.
- ривожлантирувчи:** мустақил турдастур туза олиш ва унда кўрсатилган хизматлар калкулятциясини ҳисоблаб чиқиш.

- Машғулотдан кўтиляётган натижалар:** ўқувчи билиши керак:
- Туристтик маршрутларга таъсир этувчи омилларни, мамлакатнинг туризм имкониятлари, туризм инфраструктураси, туристларни ҳаракатланиш имкониятларини яратишга қаратилган транспорт воситалари, мамлакатнинг мавжуд диққатга сазовор жойларини, мамлакат архитектура ва археологик ёдгорликларини, мамлакатнинг ландшафт ва табиатини, туристлар учун сайр томошалар ташкил қилишни ва турдастурга киритилган хизматлар нархларини.
- Ўқувчи бажара олиши керак:
- Бошланғич қушиш айириш амалларини, турли хил тур дастурларни ва уларда кўрсатиляётган хизматларни.
- Моддий-техникавий таъминот:**
- техник воситалар, ахборот манбалари, кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар: доска, бур, плакат, шахсий компьютер,

талабаларга тарқатиладиган турли турдастурлар(А4 форматда), Самарқанд шаҳрининг туристик харитаси.

7. махсус

мосламалар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

8. ўлчов текширув ва ишлов берувчи

асбоблар: \_\_\_\_\_

9. **Уйга вазифа:** Самарқанд шаҳри бўйлаб икки кишига мулжалланган бир кунлик турдастур тузиш ва унда кўрсатилган хизматларнинг калькулятциясини ишлаб чиқиш.

10. Ишлаб чиқариш таълими устаси: Ниматов Ибрагим Худаярвич

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Т/р	Машғулот босқичлари	Ажратилган вақт	Машғулот мазмуни	Таълим методлари ва шакллари	Таълим воситалари
1.	Ташкилий қисм	20	<p><b>Ташкилий бошланиши.</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Амалиёт хонасининг тайёрлигини текшириш</li> <li>2. Саломлашиш</li> <li>3. Давоматни аниқлаш</li> <li>4. Ўқувчиларнинг амалиётга тайёргарлигини ва ташқи кўринишини текшириш</li> <li>5. Сиёсий ва иқтисодий янгиликлардан хабардор қилиш.</li> <li>6. Ўқувчиларни машғулот номи ва мақсади билан таништиради.</li> <li>7. Машғулот тартибini тўшунтиради.</li> <li>8. Баҳолаш мезонларини эълон қилади (1-илова)</li> </ol>		
2.	Кириш йўл - йўриғи (Мотивация)	50	<p><b>Амалий машғулотга кириш.</b></p> <p>Хар бир ўқувчининг назарий билимларини баҳолаш учун саволлар беради (2-илова). Жавобларни қабул қилади, кириш йўриқномасини беришга ўтади.</p> <p><b>Кириш йўриқномаси (50 мин).</b></p> <p>Ўқувчиларни фаол иштирок этишлари учун эгаллаган билимлари етарлигини оғзаки савол - жавоб шаклида аниқлайди (3-илова) ва “Б/Б/Б” жадвалининг 2 та устунини тўлдиришни таклиф қилади. Аниқланган билимлар ва фанлараро боғлиқлиги асосида турдастур</p>		

			<p>калькуляцияси ишларини мохиятини тўшунтириш.  Туроператорлик фермаларда турмахсулот  калькуляцияси билан шуғилланадиган маркетинг  бўлими ва бу бўлимга турмахсулотнинг умумий  суммасини чиқаришда маълумотлар берадиган  бўлимлар фаолиятини тўшунтириш.  Самарқанд шахрига(Самарқандда иккинчи Макка) ва  бошқа туристик худудларга мулжалланган(«Родина»  (Полоцк-Борисов-Минск-Полоцк)) турли хил тур  дастурларни ва уларда кўрсатилган хизматларни  кўрсатиб тўшунтириш.</p>		
3.	Ўқувчиларнинг г мустақил ишлари, жорий йўл- йўриқлар	140	<p><b>Жорий йўриқнома (110 мин).</b>  Ўқувчиларни туртта гуруҳга бўлиб <b>1-гуруҳга</b>  Самарқанд шахрининг олий ўқув юртларига, <b>2-  гуруҳга</b> Самарқанд шахрининг ишлаб чиқариш  объектларига, <b>3-гуруҳга</b> Самарқанд шахрининг  тарихий обидаларига, <b>4-гуруҳга</b> Самарқанд  шахрининг музейларига мулжалланган бир кунлик  экскурсия дастурини ишлаб чиқиш ва бу дастурда  кўрсатилган хизматлар калькуляциясини ишлаб  чиқиш.  Калькуляция жараёнида ўқувчиларни хатоларини  кўрсатиш ва ўқувчиларни ишларини назорат қилиш .  Йуриқномали технологик харитани бериш (4-илова).  Ишлаш жараёнида ўқувчилар томонидан қўйган  хатоларни курсатади.  <b>Якўний йўриқнома (30 мин).</b>  Ўқувчиларни мавзу бўйича берилган материални  узлаштирганини <b>ФСМУ (5- илова)</b> аниқлаш.</p>		

			Машғулот тўғанидан сунг ўқув амалёти хонасини талаб даражасига келтириш.		
4.	Яқуний йўл-йўриқлар	20	<p><b>Машғулотни яқўнлаш.</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқувчиларни амалий машғулот бўйича баҳолаш (<b>1-илова</b>) ва баҳоларни эълон килиш.</li> <li>2. Келгусида турдастур калькулятциясини хисоблаш ишлари касбий фаолиятларида ахамиятига эга эканлиги муҳумлигига ўқувчилар этиборини каратиш.</li> </ol> <p><b>Ўйга вазифа бериш.</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Келгуси машғулот билан таништиш</li> <li>2. “Самарқанд шаҳри бўйлаб икки кишига мулжалланган бир кунлик турдастур тузиш ва унда кўрсатилган хизматларнинг калькулятциясини ишлаб чиқиш” мавзусида амалий иш бажариш</li> <li>3. Берилган амалий ўйга вазифа бўйича тавсиялар бериш.</li> </ol>		

Ишлаб чиқариш таълими устаси: Ниматов Ибрагим Худаярович \_\_\_\_\_

(Имзо)

**Ўқувчиларнинг билимини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари**

Т/р	Кўрсаткичлар	Меъзонлар				
		5	4	3	2	
	Баҳолаш мезони					
1.	Давлат таълим стандартларидан келиб чиқиб, дарсларда 95% гача катнашган, маъруза матнини ёзган, ўқув қуроллари тула бўлган, адабиётлардан фойдаланишни билган.			3		
2.	Ундан ташқари, уқув кургазмали қуроллардан фойдалана оладиган, олган билимларини ишлаб чиқаришдаги ўрнини тўғри тушунган, мустақил фикрлаш, олган билимларини тушунтириб бера оладиган.		4			
3.	Ундан ташқари, олган билимларини ишлаб чиқаришда қўллай оладиган, ушбу фанни бошқа фанлар билан боғлай оладиган мустақил иш, вазифа ва янгилик киритишга интиланган, ҳар жихатдан бошқа ўқувчиларга урناк буладиган.	5				
4.	Юқоридаги шартларни 50-60%ни бажаришда қийналган ўқувчилар қўшимча ва қайта топширган.				2	3-4

2- илова

**Ўқувчилар билимини фаоллаштирувчи саволлар:**

1. Тур маршрут тўшунчаси?
2. Турдастур тушунчаси?
3. Турдастурда кўрсатиладиган асосий хизматлар?
4. Турдастурга киритилган пуллик ва бепул кўрсатиладиган хизматлар?
5. Туроператорлик фирманинг турпакетга қўядиган фоиз ставкаси?
6. Бугунги кўндаги туристик хизматлар нархлари?

3- илова

**“Б/Б/Б” жадвали**

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

**Ф- фикрингизни баён этинг. С- фикрингизнинг баёнига сабаб кўрсатинг. М- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг. У- фикрингизни умумлаштиринг.**

### **Биринчи боб бўйича хулоса**

Республикада узлуксиз таълимнинг жорий этилиши таълим соҳасининг бошқаруви органлари зиммасига бир қатор вазифаларни ҳал этиш ва уларни доимо такомиллаштириб боришни тоқозо этмоқда Бу ўринда таълим жараёнини сифатли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим соҳасида орттирилган тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доимий равишда такомиллаштирилмоқда Олий таълимнинг такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларини тайёрлаш борасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойиллари асосида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг фан дастурлари модернизациялашмоқда.

Президентимиз такидланганидек бугунги кунда Олий таълимнинг такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларини тайёрлаш борасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойиллари асосида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг фан дастурларини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.

Бунга мисол сифатида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “ Туризм сервиси ва меҳмонхона хўжалиги” таълим йўналишидаги бакалаврлар тайёрлаш бўйича ўқув режалари таҳлил қилинганда вазирликнинг № 343 Қарорига нисбатан кадрлар тайёрлашнинг вақт бюджетида салмоқли ўзгаришлар бўлганини кўриш мумкин.

Кадрлар тайёрлаш дастурда белгиланган вазифалардан тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқишда Бутунжаҳон туристик ташкилотининг

(БМТ) TedQual сертификатлаштириш тизимини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Туризм таълим сифатини оширишда Unwto Tedqual тизимини жорий қилиш олий таълим муассасасида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва зарурий чора тadbирларни қабул қилиш ҳамда вазиятни реал баҳолашга имкон берувчи қатор кўрсаткичларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Касб-ҳунар коллежларини ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан таъминлаш кўп жиҳатдан уларнинг тегишли базавий тайёргарлигини, педагогик ва амалий иш тажрибаси мавжудлигини ҳисобга олмасдан расмий равишда амалга оширилмоқда.

Натижада ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ўқув жараёни тегишли даражада ташкил қилинмаган, машғулотлар асосан анъанавий мактаб таълими услубларига таянган ҳолда ўтказилмоқда. Замонавий илғор педагогик ва янги компьютер, ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, Интернет таълим жараёнига сушт жорий этилмоқда. Касб-ҳунар коллежларини хорижий тиллардан дарс берувчи малакали мутахассислар билан таъминлашга етарлича эътибор берилмаяпти. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг раҳбарлар таркибини педагогик иш соҳасида етарлича тажрибага эга бўлган касб маҳорати юқори мутахассислар билан янада мустаҳкамлаш таклиф этилади.

## **II. БОБ. Ўзбекистонда олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятлари**

### **2.1. Олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш жараёнлари**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларини рўёбга чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида барча олий даргоҳларда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”даги таълим соҳалари(соҳа таркиби) бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳлар ташкил қилинди.

Ушбу гуруҳларга қўйилаётган талабларга мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари ва фанлар дастурларини яратиш юзасидан халқаро тажрибалар ўрганиб чиқиш топширилди.

“Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”даги таълим соҳалари(соҳа таркиби) бўйича тасдиқланган давлат таълим стандартлари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари ва фанлар дастурларига мувофиқ улар асосида зарур бўлган дарсликлар ва ўқув

қўлланмаларининг янги авлодини яратиш режаси тузиш ва уни амалга ошириш вазифалари топширилди.

Ушбу вазирликнинг бўруғига кўра Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тамонидан ишлаб чиқилган *5610300 –Туризм (халқаро ва ички туризм)* бакалавриатура таълим йўналиши бўйича ДТС “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган Президент, ВМ қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилди. ДТС дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

ДТС асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади;

Ушбу стандарт халқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси ва ютуқлари, иқтисодиёт устуворлиги шароитларида кадрларга нисбатан ишлаб чиқаришда, амалиётда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган.

Таълим турлари ва босқичлари бўйича мутахассислик стандартининг келишилганлиги ва изчиллиги, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди.

Ўқув юклагаси оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида *“5610300 – Туризм (халқаро ва ички туризм)”* бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган ДТС асосида қуйидаги ўқув режа ишлаб чиқилди.



3.01	Микроиктисодиёт	116		76	38	38			40		4						
3.02	Макроиктисодиёт	99		56	28	28			43			3					
3.03	Статистика	140		76	38	38			64				4				
3.04	Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар	270		152	76	76			118					8			
3.05	Менежмент	106		56	28	28			50			3					
3.06	Маркетинг	130		76	38	38			54		4						
3.07	Туризм	222		114	56	58		к.и.	108			6					
3.08	Халқаро туризм	148		76	38	38			72					4			
3.09	Меҳмонхона хизматлари	222		114	56	58			108			6					
3.10	Туризм иктисодиёти	266		152	76	76			114						8		
3.11	Туризм инфратузилмаси	230		132	66	66			98				7				
3.12	Туризмда хариталаштириш ва туристик маршрутлар ишлаб чиқиш	343		196	98	98			147						5	2	7
3.13	Туризмда транспорт хизматлари	146		96	48	48			50					5			
3.14	Ресторан менежменти	252		154	76	78			98							14	
3.15	Туризмни режалаштириш	160		78	38	40			82								7
3.16	Минтақавий туризм	166		76	38	38			90			4					
3.17	Туристик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудит	145		76	38	38			69					4			
3.18	Экскурсия хизматларини ташкил этиш	136		76	38	38		к.и.	60						4		
	<b>Танлов фанлари</b>	<b>255</b>		<b>132</b>	<b>66</b>	<b>66</b>			<b>123</b>					<b>3</b>			<b>4</b>
<b>4.00</b>	<b>Ихтисослик фанлари</b>	<b>740</b>	<b>10,1</b>	<b>442</b>	<b>220</b>	<b>222</b>			<b>298</b>			<b>6</b>		<b>5</b>	<b>12</b>	<b>9</b>	
4.01	Туризм маркетинги	170		114	56	58			56			6					
4.02	Туризм менежменти	170		96	48	48			74					5			
4.03	Экологик туризм	170		100	50	50			70								9
4.04	Туроперейтинг	140		76	38	38			64							7	
	<b>Танлов фанлари</b>	<b>90</b>		<b>56</b>	<b>28</b>	<b>28</b>			<b>34</b>							<b>5</b>	
<b>5.00</b>	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>450</b>	<b>6,1</b>	<b>322</b>	<b>160</b>	<b>162</b>			<b>128</b>		<b>4</b>	<b>3</b>	<b>2</b>	<b>4</b>	<b>4</b>		
	<b>Жами</b>	<b>7344</b>	<b>100</b>	<b>4392</b>	<b>1924</b>	<b>2076</b>	<b>70</b>	<b>322</b>	<b>2952</b>	<b>32</b>	<b>32</b>	<b>32</b>	<b>32</b>	<b>32</b>	<b>32</b>	<b>32</b>	<b>32</b>
	Малака амалиёти	702															
	Битирув иши	270															
	Аттестациялар	1026															
	Жами	1998															
	<b>ҲАММАСИ</b>	<b>9342</b>															

**Изоҳ:**

1. Олий таълим муассасаси ихтисослик фанлари рўйхатини тузишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.
2. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари қўшимча фанлар блокнинг соатлари ҳисобига, ҳарбий йиғин эса таътил вақти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолларда меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мосланувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш учун Илмий кенгашнинг қарори билан фойдаланилади.
3. Ўқув режа асосида олий таълим муассасаси ҳар йили ишчи ўқув режасини тузади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юкласининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳуқуқи берилади.
4. Ўқув фанлари ҳажмининг камида 20 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши шарт.
5. Талаба билимини баҳолаш рейтинг тизимига мувофиқ ўқув жараёни давомида амалга оширилади.
6. Битирув ишини бажариш муддатлари таркибига уни ҳимоя қилиниши ҳам киритилади. Олий таълим муассасаси Кенгаши қарори асосида битирув иши ҳимоясини ихтисослик фанлари бўйича давлат аттестацияси синовиغا алмаштирилиши мумкин.
7. \*Жисмоний маданият ва спорт фани таркибида 28 соат ҳажмида «Валеология асослари» назарий ўқитилиши қўзда тутилади.

Ўқув жараёнининг таркибий қисмлари	Ҳафталар сони	Семестр	Давлат аттестацияси
Назарий таълим	136	1-8	1. Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар
Малака амалиёти	13	6,8	2. Чет тили
Аттестациялар	19	1-8	3. Битирув ишини ҳимоя қилиш
Битирув иши	5	8	
Таътил	31	1-8	
<b>ЖАМИ</b>	<b>204</b>		

**“5610300 – Туризм (халқаро ва ички туризм)” бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режада юқоридаги талабларга**

**сосан қатор ўзгартиришлар киритилди.**

**5610300 – Туризм ( халқаро ва ички туризм) бакалавриат таълим йўналишининг ДТС да кадрларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйилган талаблардаги янгиликлар**

<b>Т/р</b>	<b>Амалдаги ДТС</b>	<b>Қайта ишлаб чиқилган ДТС</b>
1.	Амалда белгиланган мезонлар асосида ишлаб чиқилган.	“Хорижий тилни эгаллаш бўйича Умум-европа ваколоти: ўқитиш, ўргатиш, баҳолаш” (CEFR) тизимини татбиқ қилган ҳолда халқаро стандартларга мослаштирилди.
2.	Европа стандартларида белгиланган тилларни билиш даражасига қўйилган талаблар киритилмаган.	Европа стандартларида келтирилган чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, ихтисослашган олий таълим муассасалари учун белгиланган С1 – чет тилини ўрганишнинг эркин мулоқот даражаси (CEFR) талаблари киритилди.
3.	Умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича компетентлик талаблари берилган.	Компетентлик талаблари халқаро стандартларга яқинлаштирилган ҳолда умуммаданий ва касбий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқилди.
4.	Касбий фаолият турлари ва соҳалари кенг ёритилмаган.	Битирувчиларнинг ихтисослик ва касбий фаолият турлари ва соҳалари қайта кўриб чиқилиб тегишли тузатишлар ҳамда қўшимчалар киритилди.

2-жадвал

**ДТС бакалавриатида  
Магистратура фанларининг самарасиз такрорланиши**

<b>Т/р</b>	<b>Бакалавриат фани</b>	<b>Магистратура фани</b>	<b>Сунъий киритилган фанлар</b>
1.	Такрорланиш йўқ	Такрорланиш йўқ	Атамалар мутаносиб, сунъий киритилган фанлар йўқ

**Туризм (халқаро ва ички туризм) бакалавриат таълим йўналиши бўйича  
ДТС да фанлар блоки нисбатларининг меъёрларига амал қилиниши**

Т/р	Фанлар блоки, %	Амалдаги ДТС %	Қайта ишлаб чиқилган ДТС %
	<b>2) Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил «16» августдаги 343- сонли қарорига асосан</b>	<b>Туризм (халқаро ва ички туризм)</b>	<b>Туризм (халқаро ва ички туризм)</b>
1	1-блок 30—35%;	36,8	35
2	2-блок 40—50%;	50,8	50
3	3-блок 13—15%	12,4	15

**Ўқитиладиган фанлар сони ва ҳажмининг тамойиллар талабига жавоб  
бериши**

Т/р		Амалдаги ДТС бўйича	Қайта ишлаб чиқилган ДТС бўйича
	Бир семестрда ўтиладиган фанлари сони	6	7
	Бир ўқув йилида ўтиладиган фанлари сони	11	11
	Ўқув муддатида 2 йил давомида ўтиладиган фанлар сони	15	16
	40 соатдан кам фанлар сони		

**Туризм ( халқаро ва ички туризм) бакалавриат таълим йўналиши бўйича  
ДТС да амалий кўникмаларни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар**

Т/р	Амалдаги ДТС да	Тақомиллаштирилган ДТС (маг.)
1.	Маъруза	
	1-блок 210 соат, 32,7 %	130 соат, 29,6 %
	2-блок 432 соат, 67,3 %	250 соат, 56,8 %
	3-блок -	60 соат, 13,6 %
2.	Амалий машғулотлар	
	1-блок 294 соат, 40,6 %	220 соат, 40 %
	2-блок 430 соат, 59,4 %	250 соат, 45,5 %
	3-блок -	80 соат, 14,5 %
3.	Семинар машғулотлар	
	1-блок -	-
	2-блок -	-
	3-блок -	-
4.	Лабор. машғулотлари	
	1-блок -	10 соат, 100 %
	2-блок -	-
	3-блок -	-
5.	Амалиёт 8 ҳафта	8 ҳафта
6.	Курс лойиҳаси (иши) 2 та	1 та

**Туризм ( халқаро ва ички туризм) бакалавриат таълим йўналиши  
бўйича ДТС да минтақавий ОТМлар таклифини инобатга олинганлиги**

Т/р	Минтақавий ОТМ номи	Берилган таклиф мазмуни	Инобатга олинган банди, бўлими
	ТошДИУ, БухДУ, УрДУ	Айрим фанлар номланишини қайта кўриб чиқиш ва янги фанлар киритиш.	Мутахассислик фанлари бандидаги фанларга ўзгартиришлар киритилди

**Туризм ( халқаро ва ички туризм) бакалаврият таълим йўналиши бўйича  
ДТС нинг иш берувчилар билан келишилганлиги**

Т/р	ДТС яратилган таянч ОТМ	Келишилган иш берувчилар корхона номи ва имзоланган раҳбар лавозими, фамилияси
1	СамИСИ	1. “Ўзбектуризм” МК Самарқанд минтақавий бўлими бошқарувчиси Суванов И.Б. 2. «Sharqoniy Samarqand» меҳмонхонаси директори Бердиева О.Ф. 3. “С.А.Т.І.А.” туристик фирмаси директори Тўрақулов Р.Ж.



<b>3.00</b>	<b>Танлов фанлари</b>	<b>228</b>	<b>15</b>	<b>140</b>	<b>60</b>	<b>80</b>				<b>88</b>	<b>4</b>	<b>3</b>		
3.01	Махсус фанларни ўқитиш методикаси	90		60	20	40				30		3		
3.02	Танлов фанлари	138		80	40	40				58	4			
	<b>Жами</b>	<b>1512</b>	<b>100</b>	<b>1000</b>	<b>440</b>	<b>550</b>	<b>10</b>		<b>1 к.и.</b>	<b>512</b>	<b>19</b>	<b>17</b>	<b>14</b>	
<b>4.00</b>	<b>Илмий фаолият</b>	<b>2700</b>		<b>1808</b>						<b>892</b>	<b>17</b>	<b>19</b>	<b>22</b>	<b>36</b>
4.01	Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш	1890		1260						630	13	16	16	20
4.02	Илмий-педагогик иши	378		260						118	4	3	6	
4.03	Малака амалиёти	432		288						144				16
	<b>Жами</b>	<b>4212</b>		<b>2808</b>					<b>1 к.и.</b>	<b>1404</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>36</b>

#### ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ:

- |  |
|--|
| 1. Фанлар (ёки фан) бўйича давлат аттестацияси |
| 2. Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш      |

#### Изоҳ:

- Ушбу ўқув режаси асосида олий таълим муассасаси қўлланма ўқув режасини ишлаб чиқади. Бунда олий таълим муассасасига ҳафталик юкламани ўзгаришсиз сақлаб қолган ҳолда соатлар ҳажмини фанлар блоклари учун 5% доирасида, блокка кирувчи фанлар учун эса - 10% доирасида ўзгартириш ҳуқуқи берилади.
- Маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.
- Фанлар (фан) бўйича давлат аттестациясига қадар ҳар бир фан бўйича 6 соат ҳажмида маслаҳатлар берилади.

**5А610301 – Туризм (халқаро ва ички туризм) мутахассислигининг**

**ўқув фанларидаги ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:**

#### **Янги**

Туристик хизматлар бозори

Туризм ривожланишини прогнозлаш

Хорижий туристларга туристик хизматларни ташкил этиш

Туристик корхоналар молиявий хўжалик фаолияти таҳлили

#### **Аввалги**

Турмаҳсулотлар маркетинги

Туризмда инновацион фаолият

Туризмда стратегик режалаштириш

Туризм ривожланишини прогнозлаштириш

Туристик маҳсулот тайёрлаш фаолияти

Хорижий туристларга туристик хизматларни ташкил этиш

Туризм мамлакатшунослиги

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ОЎМТВнинг 2013 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 253-сонли буйруғига биноан **5A610301–Туризм (халқаро ва ички туризм)** мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандарти ва ўқув режасини таянч олий таълим муассасаси сифатида биринчи марта ишлаб чиқилди.

**5A610301–Туризм (халқаро ва ички туризм) мутахассислиги ДТС да кадрларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйилган талаблардаги янгиликлар қуйидагилардан иборат**

Т/р	Ишлаб чиқилган ДТС
1.	“Хорижий тилни эгаллаш бўйича Умум-европа ваколлати: ўқитиш, ўргатиш, баҳолаш” (CEFR) тизимини татбиқ қилган ҳолда халқаро стандартларга мослаштирилди.
2.	Европа стандартларида келтирилган чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, ихтисослашган олий таълим муассасалари учун белгиланган C1 – чет тилини ўрганишнинг эркин мулоқот даражаси (CEFR) талаблари киритилди.
3.	Компетентлик талаблари халқаро стандарт-ларга яқинлаштирилган ҳолда умуммаданий ва касбий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқилди.
4.	Битирувчиларнинг ихтисослик ва касбий фаолият турлари ва соҳалари қайта кўриб чиқилиб тегишли тузатишлар ҳамда қўшимчалар киритилди.

2-жадвал

**ДТС магистратурасида  
бакалаврият фанларининг самарасиз такрорланиши**

Т/р	Бакалаврият фани	Магистратура фани	Сунъий киритилган фанлар
1.	Такрорланиш йўқ	Такрорланиш йўқ	Атамалар мутаносиб, сунъий киритилган фанлар йўқ

**Туризм (халқаро ва ички туризм) мутахассислиги бўйича ДТС да фанлар  
блоки нисбатларининг меъёрларига амал қилиниши**

Т/р	Фанлар блоки, %	Ишлаб чиқилган ДТС %
	<b>3) Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил «16» августдаги 343- сонли қарорига асосан</b>	<b>Туризм (халқаро ва ички туризм)</b>
1	1-блок 30—35%;	35
2	2-блок 40—50%;	50
3	3-блок 13—15%	15

**Ўқитиладиган фанлар сони ва ҳажмининг тамойиллар талабига жавоб  
бериши**

Т/р		Ишлаб чиқилган ДТС бўйича
	Бир семестрда ўтиладиган фанлари сони	7
	Бир ўқув йилида ўтиладиган фанлари сони	11
	Ўқув муддатида 2 йил давомида ўтиладиган фанлар сони	16
	40 соатдан кам фанлар сони	

**Туризм (халқаро ва ички туризм) мутахассислиги бўйича ДТС да амалий  
кўникмаларни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар**

Т/р	Такомиллаштирилган ДТС (маг.)
1.	
	130 соат, 29,6 %
	250 соат, 56,8 %
	60 соат, 13,6 %
2.	
	220 соат, 40 %
	250 соат, 45,5 %
	80 соат, 14,5 %
3.	

	-
	-
	-
4.	
	10 соат, 100 %
	-
	-
5.	8 ҳафта
6.	1 та

6-жадвал

**Туризм (халқаро ва ички туризм) мутахассислиги бўйича ДТС да минтақавий ОТМлар таклифини инобатга олинганлиги**

Т/р	Минтақавий ОТМ номи	Берилган таклиф мазмуни	Инобатга олинган банди, бўлими
	ТошДИУ, БухДУ, УрДУ, Қарши ДУ.	Айрим фанлар номланишини қайта кўриб чиқиш ва янги фанлар киритиш.	Мутахассислик фанлари бандидаги фанларга ўзгартиришлар киритилди

7-жадвал

**Туризм (халқаро ва ички туризм) мутахассислиги бўйича ДТС нинг иш берувчилар билан келишилганлиги**

Т/р	ДТС яратилган таянч ОТМ	Келишилган иш берувчилар корхона номи ва имзоланган раҳбар лавозими, фамилияси
1	СамИСИ	1. “Ўзбектуризм” МК Самарқанд минтақавий бўлими бошқарувчиси Суванов И.Б. 2. «Sharqoniy Samarqand» меҳмонхонаси директори Бердиева О.Ф. 3. “С.А.Т.І.А.” туристик фирмаси директори Тўрақулов Р.Ж.

**“5A610301-Туризм (халқаро ва ички туризм)” мутахассислиги бўйича  
магистратура давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим  
стандартлари билан қиёсий таққослаш**

**Магистратурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари**

<b>№</b>	<b>Таълим жараёни</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси (магистратура)</b>	<b>Қозоғистон (резидентура)</b>	<b>Германия (магистратура)</b>
<b>1.</b>	<b>Бошланиши</b>	4 йил бакалавриятдан сўнг	4 йил бакалавриятдан сўнг	4 йиллик бакалавриятдан сўнг
<b>2.</b>	<b>Давомийлиги</b>	2 йил	2 йил	1,5 йил (3 семестр)
<b>3.</b>	<b>Таълим олувчилар сони</b>	1-6	1-10	5 - 20
<b>4.</b>	<b>Ўтиш жойлари</b>	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Урганч давлат университети, Бухоро давлат университети.	Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети, Мухтор Аvezов номи Чимкент давлат университети, Абу Наср Фаробий номи Алмата давлат университети ва б.	Hochschule für angewandte Vissenschaften Munchen (Munchen амалий фанлар институти ёки Мунченский институт прикладных наук)
<b>5.</b>	<b>Таълим берувчилар</b>	Туризм соҳаси бўйича юқори малака ва тажрибага эга бўлган иқтисод фанлари докторлари, профессорлар, фан номзодлари ҳамда тажрибали туристик фирмалар в меҳмонхоналар раҳбарлари.	Туризм соҳаси бўйича юқори малака ва тажрибага эга бўлган география фанлари ва педогогика фанлари докторлари, профессорлар, фан номзодлари ҳамда тажрибали туристик фирмалар ва меҳмонхоналар раҳбарлари.	Туризм соҳаси бўйича юқори малака ва тажрибага эга бўлган фан докторлари, профессорлар, четдан жалб қилинган мутахассислар ҳамда туристик корхоналарнинг тажрибали ходимлари ва раҳбарлари.
<b>6.</b>	<b>Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш</b>	Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Магистратура бўлими-кафедраси мудири- (бевосита таълим берувчи ўқитувчи)-магистрант.	Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Магистратура бўлими-кафедраси мудири- (бевосита таълим берувчи ўқитувчи)-магистрант.	Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Маъмурий жиҳатдан 16 ер (вилоят) га бўлинган Германия ҳар бир вилояти индивидуал „Олий Ўқув Юртлари тўғрида“ ги Қонунга эга бўлиб, ушбу Қонунга таянган ҳолда Магистратура бўлими маъмурияти, бевосита таълим берувчи ўқитувчилар, магистрант.

## Магистратурада таълим жараёнинг таркиби

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Қозоғистон	Германия
1.	<b>Назарий таълим</b>	Назарий таълим жараёни асосан аудиторияларда янги педагогик ва ахборот технологиялари ёрдамида профессор-ўқитувчилар томонидан маъруза машғулотлар олиб борилади.	Назарий таълим жараёни асосан аудиторияларда янги педагогик ва ахборот технологиялари ёрдамида профессор-ўқитувчилар томонидан маъруза машғулотлар олиб борилади.	Назарий таълим жараёни асосан аудиторияларда янги педагогик ва ахборот технологиялари ёрдамида профессор-ўқитувчилар томонидан маъруза, семинар ва тренинглар олиб борилади.
2.	<b>Амалий таълим</b>	Амалий таълим жараёни замонавий таълим технологиялари ёрдамида аудиторияларда ёки туристик корхоналарга экскурсиялар ташкил қилиш орқали амалга оширилади	Университетларда ва уларнинг қошида ташкил қилинган турфирмалар ҳамда меҳмонхоналарда.	Амалий машғулотларни талабалар бевосита олий ўқув юртлари қошида ташкил қилинган корхоналарда, ҳамкорлик алоқа-лари ўрнатилган хусусий маҳаллий ва хорижий корхона-ташкилотларда ўтайди.
3.	<b>Илмий – тадқиқот ишлари</b>	Магистратурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича диссертация ишини туристик фирмалар фаолияти мисолида амалга оширади. Кафедра профессор-ўқитувчилари ёки туризм соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар. Бундан ташқари магистрантлар таълим жараёнида педагогик иш билан машғул бўладилар.	Магистратурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича диссертация ишини туристик фирмалар фаолияти мисолида амалга оширади. Кафедра профессор-ўқитувчилари ёки туризм соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар. Бундан ташқари магистрантлар таълим жараёнида педагогик иш билан машғул бўладилар.	Магистратурада таълим олувчилар тасдиқланган мавзуси бўйича диссертация ишини туристик корхоналар фаолияти мисолида амалга оширади. Кафедра профессор-ўқитувчилари ёки туризм соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар.

4.	<b>Мустақил таълим</b>	Магистрантлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича муассасаларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, туризмга оид расмиятчилик ҳужжатлари, кутубхона, интернет тармоғи ва шу кабилар) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Магистрантлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича муассасаларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, туризмга оид расмиятчилик ҳужжатлари, кутубхона, интернет тармоғи ва шу кабилар) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Магистрантлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича муассасаларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, туризмга оид расмиятчилик ҳужжатлари, кутубхона, интернет тармоғи ва шу кабилар) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.
5.	<b>Таълим жараёнида баҳолаш</b>	Магистрантларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида жорий, оралик, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намоиш этиш кўринишида талаб қилинади.	Магистрантларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида жорий, оралик, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намоиш этиш кўринишида талаб қилинади.	Магистрантларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида амалга оширилади, фанлардан маълум миқдордаги баллар тўпланиб борилади. Мажбурий ва танланма фанлар учун белгиланган баллар умумлаштирилиб якуний баҳо бериледи. Баҳолаш тизими „1“ (аъло) дан „5“ (кониқарсиз) бўлган баҳоларни ўз ичига олади. Баҳолаш фаннинг якунланиши даврида амалга оширилади. Умумий баҳолаш натижаларини назорат қилиш учун Факултет раҳбарияти томонидан 3 Профессордан иборат махсус Илмий Комиссияси ташкил этилади.

## Магистратурада таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги

Ўзбекистон Республикаси	Муддати	Қозоғистон	Муддати	Германия	Муддати
1. Туристлик хизматлар бозори	5 ой	1. Туризм иқтисодиёти	5 ой	1. Бизнес юритиш асослари ва ҳуқуқий нормативлар (меҳнат ҳуқуқи, халқаро солиқ ҳуқуқи, сайёҳлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш)	5 ой
2. Туризм ривожланишини прогнозлаш	5 ой	2. Туризм индустриясининг назарий-методологик муаммолари	5 ой	2. Туризм соҳасида хизмат кўрсатишни ташкил этиш	5 ой
3. Хорижий туристларга туристик хизматларни ташкил этиш	5 ой	3. Туризмда маркетинг тадқиқотлари	5 ой	3. Илмий-амалий методлар (амалий тадқиқотлар, семинарлар ва магистрлик иши)	5 ой
4. Туристлик корхоналар молиявий хўжалик фаолияти таҳлили		4. Туризмда кўнгилочар хизматларни ташкил этиш муаммолари			

### Иккинчи боб бўйича хулоса

Вазирликнинг бўруғига кўра Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тамонидан ишлаб чиқилган **5610300 –Туризм (халқаро ва ички туризм)** бакалавриатура таълим йўналиши бўйича ДТС “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган Президент, ВМ қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилди. ДТС дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

ДТС асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади;

Ушбу стандарт халқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси ва ютуқлари, иқтисодиёт устуворлиги шароитларида кадрларга нисбатан ишлаб чиқаришда, амалиётда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган.

Таълим турлари ва босқичлари бўйича мутахассислик стандартининг келишилганлиги ва изчиллиги, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди.

Ўқув юклармаси оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида “5610300 – *Туризм (халқаро ва ички туризм)*” бакалаврият таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган ДТС асосида қуйидаги ўқув режа ишлаб чиқилди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ОЎМТВнинг 2013 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 253-сонли буйруғига биноан **5A610301–Туризм (халқаро ва ички туризм)** мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандарти ва ўқув режасини таянч олий таълим муассасаси сифатида биринчи марта ишлаб чиқилди.

**5A610301–Туризм (халқаро ва ички туризм)** мутахассислиги ДТС да кадрларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйилган талаблардаги янгиликлар ишда кўрсатилди.

### **III. БОБ. Туризм соҳасида таълим жараёнининг меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш йўллари**

#### **3.1. Туризм соҳасига юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш**

Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ асосий давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Туризм соҳасининг ривожини учун барча зарур ташкилий - ҳуқуқий механизм вужудга келтирилиб, муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу иш ҳозирда ҳам давом этмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Адлия вазирлигининг ва бошқа мутасадди давлат идораларининг йўриқнома, кўрсатма ва тартиблари ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида туризм ва саёҳат бутунжаҳон Кенгашининг кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон Республикаси 2013 йилда туризм соҳасида энг тез ривожланаётган бешта мамлакатлар қаторига қўшилди<sup>24</sup>.

Туризм соҳаси бўйича халқаро анжуман Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) Бутунжаҳон туризм ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси айнан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши ҳам бежиз эмас бунга барча асослар мавжуд бўлиб, ҳозирги пайтда бутун дунёда «Самарқанд декларацияси», деб тан олинган ҳужжатни қабул қилган Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Самарқандда бўлиб ўтган кенгашида (1994 йил 5 октябрь) шаҳар бир овоздан «Ипак йўлининг юраги», деб тан олинган эди.

Самарқанд шаҳри 2014 йилда АҚШнинг машҳур интернет нашри - “The Huffington Post” томонидан эълон қилинган рейтингга мувофиқ сайёрамизнинг сайёҳлар бориб кўриши лозим бўлган 50 та энг гўзал

---

<sup>24</sup> <http://www.economics.uzreport.uz>.

шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Эътиборлиси, МДХ давлатлари шаҳарларидан ушбу рўйхатга фақат Самарқанд шаҳри киритилган.<sup>25</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида таъкидланганидек “... юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда”.<sup>26</sup> Дарҳақиқат туризм соҳаси кўп мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, у ўз навбатида маҳаллий аҳолининг иш билан бандлигини, ресторан, меҳмонхоналарнинг юкланишини ҳамда маҳаллий бюджетга хорижий валютанинг тушумини таъминлайдиган омил сифатида хизмат қилади. Туризмнинг ички иқтисодий табиатига кўра, турист саёҳат қилган мамлакатда ўз пулини албатта сарфлаши лозим бўлиб, туризм маҳаллий туристик ресурсларни эксплуатация қилишга асосланганлиги натижасида ушбу мамлакат ўзининг тегишли даромадини олиши табиий ҳол бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда туризм соҳаси учун замонавий малакали кадрларни тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да кўрсатилганидек таълим тизими иқтисодиётнинг барча соҳалари каби бозор муносабатлари шароитида, юқори даражадаги рақобат шароитига мослаша олиши учун таълимнинг инновацион шакллари жорий қилиш талаб этилмоқда. Бу талаблар барча ўқув муассасалари қаторида туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлашга ҳам бевосита тегишлидир. Бугунги кунда замонавий туристик ташкилот ва корхоналар янги ахборот тизимлари, компьютер технологиялари ва хорижий тиллардан бемалол фойдаланувчи, замонавий техника билан таъминланган юқори технологияли хизмат кўрсатиш соҳасидан иборат.

---

<sup>25</sup> Дунёда-элликтадан бири //XXI аср.2014 й., 24-июль., №29(557).

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // Моҳият.2014. 3 октябрь №40.

Ҳозирги вақтда инновацион жараёнларнинг ўсиши илмий-техник тараққиёт шароитида иқтисодий тизимларнинг ривожланиши ва трансформациялашувининг зарурий элементи ҳамда рақобат устунлигини таъминловчи асосий ресурс сифатида қаралмоқда. Бунда замонавий мутахассис хизмат курсатиш соҳасида ишлашида инновацион жараёнлар натижаларидан фойдаланмасдан, ўз фаолиятини давом қилдра олмайди, чунки илмий-техник ахборотлар оқими тез суръатлар билан ўсмоқда, бу шароитда ёш мутахассис илмий ахборотлардан техник янгиликларни ва инновацион ғояларни танлаб оладиган бўлиши керак, бундай қобилият илмий-тадқиқот ҳамда ижодий кўникмаларсиз бўлмайди.

Туристтик корхоналарининг туризм билан боғлиқ фаолиятининг турли соҳаларидаги янги технологик ўзгаришларга ўз вақтида эътибор қаратиши, ишлашнинг янги услубларини яратишга ва фаолият натижаларини такомиллаштиришга қодирлиги корхоналар яшаб қолишининг зарурий шарти, деб тан олинган. Инновацияларни жорий этиш зарурати рақобат кураши ҳамда бозорнинг бошқа бир қатор талабларини ҳам рағбатлантиради. Уларадан фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, истеъмолчилик талаблари ва истеъмолчилар истаклари, замонавий киши руҳиятининг ўзгаришлари сабабли, демографик, иқтисодий ва ижтимоий тартиб ўзгариши билан ҳам боғлиқдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг олтин қоидаси бўлган, мижозга сифатли хизматлар кўрсатилиши зарур, бу давр талаби бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони амалга оширишда туризм соҳасидаги малакали кадрлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларининг асосий вазифаси ўзининг янги билимларини амалиётга самарали қўллай оладиган, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш шароитига тезда мослаша оладиган, ахборот-коммуникацияси тизими соҳасида билимларга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат бўлмоқда.

Мамлакатни модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги ечимини кутиб турган масалалар қаторида, туризм индустрияси меҳнат бозорида ишловчи ходимларга қўйиладиган малакавий талабларга жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш муҳим масала бўлиб турибди. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида» ги қарорига асосан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида туризмнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш белгилан эди. Ҳозирги пайтда ушбу ўқув даргоҳида «Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)», «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», «Туризм (фаолият турлари бўйича)», «Туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси», «Маркетинг (туризм)», «Менежмент (туризм)», «Туризм маркетинги», «Туризм менежменти», «Туризм операторлик хизматини ташкиллаштириш», «Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)» таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, республикада Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Халқаро туризм» факультети, Урганч, Бухоро Давлат университетлари, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ва қатор туризм касб-ҳунар коллежлари туризм соҳасига малакали кадрлар тайёрлашда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар

Бугунги кунда республикада туризм соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш қўйидаги тўртта босқичда олиб борилмоқда:

1. Туризм соҳаси бўйича ўрта махсус касб-ҳунар коллежларини тамомлаган талабалар туристик корхоналарнинг оддий ходимлари, ижрочилари ва ўрта бўғиндаги ходимлар лавозимларида ишламоқдалар.
2. Туризм соҳаси бўйича олий ўқув юртларида бакалаврлар даражасини олган собиқ талабалар ўрта бўғиндаги менежер ва туристик корхона раҳбари лавозимларида ишламоқдалар.

3. Туризм соҳаси бўйича олий ўқув юртлари магистратурасини тугатганлар университет, институт қошидаги кафедра ўқитувчиси ва касб-ҳунар коллежларда ўқитувчи, туристик корхона раҳбари ва бош менежер лавозимларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлмоқда.
4. Ўқув марказлари ва тегишли курсларда туризм соҳасида фаолият кўрсатиб турган ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг туризм ва сервис таълим йўналишларида малакали, ижодкор ва ташаббускор, қобилиятли, келажакда касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мослашишга лаёқатли, масъулиятли кадрларни тайёрлаш туризм соҳасига малакали кадрларни тайёрлашда муҳим босқич бўлиб қолмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, туристик корхоналарда ижрочилар ва ўрта бўғиндаги ходимлар лавозимларида фаолият олиб боровчи кадрларни туризм соҳасидаги касб-ҳунар коллежлари тайёрлаб бермоқда.

### **Ўзбекистонда туризм соҳасига малакали кадрлар тайёрлашдаги касб-ҳунар коллежларининг ўрни<sup>27</sup>**

<b>№</b>	<b>Таълим муассасаларининг номи</b>	<b>Ташкил этилган йили</b>	<b>Жами ўқувчи сони</b>
1.	Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи	1999	2397
2.	Тошкент туризм ва бизнес коллежи	2009	1208
3.	Тошкент меҳмонхона хўжалиги коллежи	2010	712
4.	Тошкент меҳмонхона ва сервис коллежи	2010	1117
5.	Самарқанд туризм ва маиший хизмат коллежи	2001	1440
6.	Бухоро туризм коллежи	2003	1181

<sup>27</sup> И.С. Тўхлиев, Сафаров Б.Ш. Туризм асослари: Ўқув қўлланма – 2011. 106 б.

7.	Урганч туризм ва тадбиркорлик коллежи	2006	969
8.	Термез туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи	2009	570
9.	Навоий вилоятидаги Кармана озиқ овқат ва меҳмонхона хўжалиги коллежи	2010	1010 (150 нафари соҳага тегишли)

Ушбу касб-хунар коллежларида “туризм” тайёрлов йўналиши (3810100) ва “туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервис” тайёрлов йўналишлари (3811700) бўйича мутахассис кадрлар тайёрланмоқда.

### **Ўзбекистонда туризм соҳасига малакали кадрлар тайёрлашдаги олий ўқув юртларининг ўрни**

<b>№</b>	<b>Таълим муассасаларининг номи</b>	<b>Ташкил этилган йили</b>	<b>Жами ўқувчилар сони (битирувчилар сони)</b>
1.	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Сервис ва туризм” ва “Иқтисодиёт ва менежмент” факультетлари	2006	809 (176)
2.	Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг “Халқаро туризм” факультети	1999	426 (100)
3.	Бухоро Давлат университети	2008	167 (23)
4.	Урганч Давлат университети	2008	300 (75)
5	Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти	2007	2285 (214 нафари соҳага тегишли)
6	Қарши Давлат университети	2014	20

\*Манба: муаллифлар томонидан тузилди.

Бугунги кунда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтда малакали профессор-ўқитувчилар туризм соҳасига доир қатор фанлар бўйича таълим жараёнини олиб бормоқдалар. Шулардан 3 таси профессор, 8 таси доцент, 7

таси катта ўқитувчи ва ассистентлар фаолият кўрсатишмоқда. Кафедраларда ўқитиладиган фанларнинг сони 30 дан ортиқ бўлиб, шундан 28 таси бевосита туризм мутахассислигига доир, қолганлари эса табиий-илмий коммуникатив фанларга киради. Мазкур фанларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган, ҳар бир фан учун ўқув- услубий мажмуалар ишлаб чиқилган бўлиб, машғулотлар махсусус жиҳозланган аудиторияларда олиб борилмоқда.

### **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтидаги туризм таълим йўналишларидаги бакалаврлар тайёрлаш ҳолати**

Таълим йўналишлари	Ўқув йилларда тугатган талабалар							Жами 2008- 2014 йилларда битирган талабалар сони	2014-2015 ўқув йилида битириши режалашти рилган талабалар сони
	2007-2008	2008-2009	2009-2010	2010-2011	2011-2012	2012-2013	2013-2014		
Туризм маркетинги	16	17	28	47	46	42	-	<b>196</b>	-
Туризм менежменти	28	14	31	51	49	49	-	<b>222</b>	-
Туризм операторлик хизматини ташқил этиш	9	8	18	27	42	43	-	<b>147</b>	-
Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги бўйича)	-	-	12	31	48	45	-	<b>136</b>	-
Сервис (аҳоли ва туристларни овқатлани шини ташқил этиш)	7	11	-	-	17	20	28	<b>83</b>	-

Туризм (фаолият турлари бўйича)	-	-	-	-	-	-	25	<b>25</b>	33
Туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси	-	-	-	-	-	-	62	<b>62</b>	-
Менежмент (туризм)	-	-	-	-	-	-	48	<b>48</b>	47
Маркетинг (туризм)	-	-	-	-	-	-	24	<b>24</b>	47
Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	-	-	-	-	-	-	-	<b>0</b>	52
<b>Жами</b>	<b>60</b>	<b>50</b>	<b>89</b>	<b>15</b>	<b>20</b>	<b>19</b>	<b>18</b>	<b>943</b>	<b>179</b>
				<b>6</b>	<b>2</b>	<b>9</b>	<b>7</b>		

**Туризм таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг курслар бўйича тақсимооти**

№	Таълим йўналишлари	1-курс	2-курс	3-курс	4-курс	жами
1	Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	64	51	57	52	<b>224</b>
2	Туризм (фаолият турлари бўйича)	54	52	48	33	<b>187</b>
3	Менежмент (туризм)	54	51	48	47	<b>200</b>
4	Маркетинг (туризм)	54	50	52	48	<b>204</b>
	<b>Жами</b>	<b>226</b>	<b>204</b>	<b>205</b>	<b>180</b>	<b>815</b>

Жадваларга эътибор қаратадиган бўлсак, ундаги маълумотлардан кўриниб турибдики, туризм соҳасидаги бакалаврлар сони йилдан-йилга ошиб

бормоқда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бевосита ёрдами натижасида кадрлар тайёрлаш жараёнининг таркибий қисми ҳам йилдан йилга ўзгариб бормоқда. Бу ўзгаришлар туризм соҳасининг замонавий талабларини қондиришга қаратилган бўлиб, сифатли туристик таълим дастурини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бунга мисол Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида 2010-2011 ўқув йилидан 5610300-“Туризм (фаолият турлари бўйича)”, 5811700-“Турзм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси”, 5230400-“Маркетинг (туризм)” ва 5230200-“Менежмент (туризм)”, 2011-2012 ўқув йилидан 5610300 – “Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)” ва 5610200 –“Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиши ва бошқариши” таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда.

Ўз навбатида институт профессор-ўқитувчилари ушбу таълим йўналишлари учун замон талабларига асосан янги Давлат таълим стандартларини (ДТС) ва тегишли мутахассислик фанларини қайта кўриб чиқишди, бунда бош меъзон иш берувчи талаби асосида туристик таълимнинг сифати бўлиб, фанларни ўзлаштиришда кетма-кетлик, узвийликка ва узлуксизлик тамойилларига риоя қилинди.

Ушбу меъзонлар асосида институтнинг “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасида 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб туризм соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш ва таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида магистратура мутахассисликлари очилди ва магистрлар тайёрланмоқда.

## Туризм соҳаси бўйича 2012-2014 йилларда тугатган ва ҳозирги вақтда таҳсил олаётган магистралар ҳолати

№	Мутахассисликлар номи	2012 йилда тугатганлар	2013 йилда тугатганлар	2014 йилда тугатганлар	Жами тугатганлар	1-курс	2-курс	Жами ўқиётганлар
1	Халқаро туризм операторлик хизматлари	8			8			
2	Хизмат кўрсатиш ва туристик хизматларни ташкил этиш	7			7			
3	Туроператорлик хизматини ташкил этиш		8	6	14		5	5
4	Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш				0	6	4	10
5	Хизматлар соҳаси (Фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)		7		7			0
	<b>Жами</b>	<b>15</b>	<b>15</b>	<b>6</b>	<b>36</b>	<b>6</b>	<b>9</b>	<b>15</b>

Жадвалдаги маълумотлар бўйича 2011-2012 ўқув йилида 5A810105 – “Халқаро туризм операторлик хизматлари” ва 5A811703 – “Хизмат кўрсатиш ва туристик хизматларни ташкил этиш” мутахассиликлари бўйича 15 та, 2012-2013 ўқув йилида 5A610302 – “Туроператорлик хизматларини ташкил этиш” ва 5A610101 – “Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлар бўйича)” мутахассисликлари бўйича 15 та магистрлар ўқув йилини мувофақиятли тамомлаб ўз иш ўринларига эга бўлишди.

Хозирги вақтда эса 5A610302 – “Туроператорлик хизматларини ташкил этиш” мутахассилиги бўйича 5 нафар ва 5A610201 – “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” мутахассислиги бўйича 4 нафар иккинчи босқич магистрлари тайёрланмоқда. Уларга туризм соҳаси бўйича юқори малакага ва тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар дарс бериб келмоқда.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти республикада хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича таянч олий таълим муассасаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 июлдаги 253-сонли буйруғи асосида магистратурадаги 5A610201– “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш”, 5A610301– “Туризм (фаолият турлари бўйича)” ва 5A610302– “Туроператорлик хизматини ташкил этиш” мутахассисликларининг янги талаблари асосида Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олиниб қайта ишлаб чиқилди.

Тайёрланган ДТС, ўқув режа ва дастурларда республикада олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, демократик, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотлар қамраб олинди, соҳа бўйича фан-техника ва технологиянинг сўнги ютуқлари, талабалар эга бўлиши лозим бўлган кўникмалар ва талаблар тўғри қўйилган бўлиб, уларга етарли даражада эътибор берилди.

Ўқув режада блоклар бўйича киритилган фанлар бугунги кунда ўта долзарблиги ва жаҳон стандартларига мослиги, мантикий кетма-кетлиги ҳамда долзарблиги соҳа мутахассисликлари талабларига жавоб бериши инобатга олинди.

Фанлар блоки бўйича ажратилган соатлар юқори сифатли кадрлар тайёрлаш учун мослиги ва ўқув режа амалиёт талабларига мос келиши, назарий билимлар ва амалий кўникмалар соҳа мутахассисликлари учун амалий аҳамиятга эгаллиги ҳисобга олинди.

Ўқув режага киритилган фанларнинг таълим босқичлари бўйича ўзаро такрорланмаслиги таъминланди. Фанлар дастурлари мавзуларининг долзарблиги, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, ҳозирги кун амалиётига тўғри келиши инобатга олинди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида тайёрланган Давлат таълим стандарти, ўқув режа ва фанлар бўйича дастурларидан мазкур соҳа бўйича малакали кадрларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин, деган хулоса мутахассислар тамонидан олинди.

Статистик маълумотлардан кўришиб турибдики, туризм соҳасидаги бакалаврлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда, натижада уларни иш билан таъминлаш масаласи долзарб бўлиб турибди, чунки бугунги кунда “Ўзбектуризм”МК қошидаги 90 фоиз корхоналар хусусий мулкга эга бўлиб, бу корхоналарга битирувчиларни ишга жойлаштириш ва улар негизида талабалар амалиётини ўташ институт учун муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу ҳолат мавжуд туристик корхоналарда ишлаб турган аксарият ходимларнинг туризм соҳаси бўйича таянч билимларга эга бўлмаган шароитда содир бўлмоқда. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.<sup>28</sup> Уларнинг 30% олий маълумотли бўлса, қолган 48% ўрта маълумотга эга бўлиб, аттиги 12 фоизи махсус туризм

---

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислон Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // Моҳият.2014. 3 октябрь №40.

соҳаси бўйича таълим олганлиги маълум бўлмоқда.

Шу туфайли Президентимиз такидлагандек бугун туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган корхона ходимларининг узлуксиз малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш асосий масалалардан бири бўлиб турибди.


Ушбу масалани мамлакатимизда “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг Республика илмий-ўқув консалтинг маркази амалга оширмоқда. Марказнинг тасисчиси бўлиб, “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ҳисобланади. Марказнинг асосий мақсади туризм соҳасига кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда тармоқ туризм фанининг ривожланишига кўмаклашишдан иборат. Марказ бевосита кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси тизими учун қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: гид-экскурсоводларни, туроператорларни, отел маъмурларни. Кадрларни малакасини ошириш борасида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси тизимидаги барча бўлинма раҳбарларини ҳамда туристик корхона бош бухгалтерларини ва иқтисодчиларни малакасини оширади.

Марказ бугунги кунда барча тегишли ўқув аудитория ва илмий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, ўз фаолиятини “Ўзбектуризм” Миллий компанияси тамонидан тасдиқланган ўқув дастурлари ва режаси асосида таълим жараёнини олиб бормоқда.


***Республика илмий-ўқув консалтинг Маркази Тошкент шаҳрида жойлашганлиги туфайли баъзи бир муаммолар мавжуд, жумладан узоқ вилоятлардан пойтахтга келиб 2-4 ой мабойнида ўқиб ёки малакасини ошириб кетиш маълум қийинчиликларни олиб келмоқда. Шунинг учун республиканинг йирик минтақаларида туризм мутахассисларини тайёрлайдиган олий ўқув юртлар қошида Марказнинг филиалларини очиб мақсадга мувофиқ бўлмоқда.***

Туризм соҳасида ҳозирги пайтда икки юздан ортиқ касб эгалари мавжуд бўлсада, аммо бу соҳада турли мутахассисларга бўлган талаб ҳозиргача тўла қондирилмаганлиги маълум бўлмоқда. Бу ҳолатни Самарқанд вилоятидаги 28 та

туризм корхоналари бўйича туризм соҳаси мутахассисларига бўлган талабни ўрганиш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари ҳам яққол кўрсатмоқда. Меҳмонхоналарда мутахассисларга бўлган талаб ва туристик фирмаларда мутахассисларга бўлган талаб 1 - 2 расмларда ифодаланган.<sup>29</sup>



**1-расм. Самарқанд вилоятидаги меҳмонхоналарда мутахассисларга бўлган талаб**



**2-расм. Самарқанд вилоятидаги туристик фирмаларда мутахассисларга бўлган талаб**

<sup>29</sup> Амридинова Р.С. Меҳнат ресурсларини бошқариш асосида туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти туризм корхоналари мисолида) номзодлик диссертация. - С.: СамИСИ, 2012.

Расмлардаги маълумотлардан хулоса қилишимиз мумкинки, ҳозирда туризм корхоналари кўпинча ички ва ташқи туризм бўйича менежерларни, авиачипталарни, темир йўл чипталари, меҳмонхоналарни бронлаштиришнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлай оладиган мутахассисларни жалб қилишга ҳаракат қилишмоқда. Туризм соҳаси учун туроператорларни, туризм менежери ва туризм маркетинги каби мутахассисларни вилоятдаги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларни (официант, хона бекаси, швейцар ва ш.к) Сартепо туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи тайёрламоқда. **Аммо туризм соҳаси учун зарур бўлган гид-экскурсовод ва аниматорлик мутахассисликларига бўлган талаб эса қондирилмасдан қолмоқда, чунки бу мутахассисликларни республикада бирорта олий ўқув юрти ҳозирча тайёрламайди.** Бундан ташқари замонавий Интернет технологияларнинг ривожланиши туризм соҳасидаги ходимлардан ушбу соҳани яхши билишларини ва иш фаолиятлари жараёнида янги бронлаштириш тизимлари, инновацион технологияларни қўллашларини талаб қилмоқда, бу ўз навбатида бронлаштириш хизматларини амалга оширувчи оператор ва менежерларга бўлган талабни оширмоқда. **Шу туфайли Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ва ТАТУ Самарқанд филиали тамонидан тайёрланадиган мутахассислар негизида янги мутахассислик таълим йўналишини ташкил қилиш вақти келганлигидан далолат бермоқда.**

Президентимиз БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида келтирилган талабларидан келиб чиқиб, бугунги кунда туризм соҳасига хизмат кўрсатувчи малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш таклиф қилинади :

- иш берувчи билан ҳамкорликда таълим йўналишларнинг ўқув режа ва дастурларини тайёрлаш;
- бронлаштириш хизматларини амалга оширувчи туроператор ва менежерларни тайёрлашни ташкил қилиш;

- гид-бошловчи ва экскурсоводларга бўлган юқори талабни кондириш мақсадида ҳамда республикада бирон бир олий ўқув юрти бу таълим йўналишлари бўйича бакалаврларни тайёрламаслигини ҳисобга олган ҳолда, «гид ва экскурсия хизматлари» таълим йўналиши бўйича олий ўқув юртларида кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш;
- республика олий ўқув юртларида хорижий тил таълим йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар ҳамда туризм соҳасида камида 3 йиллик тажрибага эга бўлган ходимлар учун мақсадли равишда махсус курсларда ёки масофали ўқитишга асосланган иккинчи мутахассисликни йўлга қўйиш;
- туризм соҳасида фаолият кўрсатиб турган ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида ушбу вазифани туризм мутахассисларини тайёрлайдиган олий ўқув юртлар қошида “Ўзбектуризм” МК Республика илмий-ўқув консалтинг Марказнинг филиалларини очиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда ;
- битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида олий ўқув юртлар қошида иш берувчилар билан ҳамкорлик Кенгашларини ташкил қилиш.

### **3.2. Туризм соҳасида хавфсизликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш йўллари**

Туризм хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш соҳасидаги халқаро тажриба Жаҳон туристик ташкилоти (ЖТТ) томонидан тадқиқ қилинади ва умумлаштириб борилади. Туризм Хартиясида ва Турист кодексида (ЖТТ Бош ассамблеясининг VI сессияси, 1985 йил), Туризм бўйича Гаага парламент конференциясида (1989 йил) саёҳатларнинг хавфсизлигини таъминлаш шартлиги қайд этиб ўтилган. 1994 йили ЖТТ

Ижроия Кенгаши қошида саёҳатларнинг хавфсизлиги учун жавоб берувчи Туристик хизматлар кўрсатиш сифати бўйича кўмита ташкил этилди. Шу йили ЖТТ «Саёҳатчилар, туристлар ва туристик объектлар хавфсизлиги ҳамда уларни ҳимоя қилиш» мавзусида жаҳоннинг 73 мамлакатида тадқиқот ўтказди. 1995 йили ёзда ЖТТ ташаббуси билан Эстерунд (Швеция)да туризм хавфсизлиги ҳамда саёҳатлар чоғида хавф-хатарларни камайтириш бўйича I халқаро конференция ўтказилди. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, жаҳон мамлакатларининг 71% да туристлар ташриф буюрадиган объектлар махсус туристик полиция ёки хавфсизлик хизмати томонидан кўриқланади. Мамлакатларнинг ярмидан кўпида бундай хизмат давлат полицияси ёки муниципал полициянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Халқаро денгиз ташкилоти (ИМО), Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИСКАО), Атроф муҳит бўйича БМТ дастури (ЮНЕП), Жиноят полицияси халқаро ташкилоти (Интерпол), БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР), Жаҳон савдо ташкилоти сингари халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари туризм масалалари билан бевосита ёки билвосита шуғулланади. Кўпгина иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқалар ҳам туризм муаммолари билан шуғулланади.

**Туристлар хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишнинг  
айрим функционал норматив-ҳуқуқий жиҳатлари**

<b>Туристларга қандай ҳуқуқлар берилиши лозим</b>	<b>Қандай чора- тадбирлар кўрилиши керак</b>	<b>Давлат сектори ҳамда хусусий сектор нима қилиши керак</b>
<p>Туристнинг шахсига ёки мол-мулкига жиддий тажовуз қилиниши муносабати билан энг тез алоқа воситалари ёрдамида ўз оиласига хабар бериш</p>	<p>Турист келган мамлакатда унинг шахсига ёки мол- мулкига жиноий тажовуз қилиниши муносабати билан унинг ҳаётини ва мол- мулкини сақлаб қолиш мақсадида уни ўз мамлакатига тез репатриация қилиш</p>	<p>Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича хабардорлик даражасини ошириш учун туризм ходимлари ва жамоатчилик орасида ахборот тарқатиш</p>
<p>Миллий ижтимоий суғурта тизими доирасида тез ва мувофиқ тиббий ёрдам олиш</p>	<p>Ўғирланган ва кейинчалик топилган мол-мулкни турист келган мамлакатга қайтариш</p>	<p>Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш учун бевосита ёки билвосита жавобгар бўлган турли касб эгаларини тайёрлашни барча зарур воситалар билан рағбатлантириш</p>
<p>Чет элликдан гаров пули киритишни талаб</p>	<p>Туристларга ёки маҳаллий аҳолига</p>	<p>Туристлар ҳаёти ва мол-мулкини кўриқлаш</p>

қилмасдан, туристга тажовуз қилган шахсларга қарши миллий судда суд иши, шу жумладан жиноят иши очиш ҳамда юридик ёрдам олиш	қарши бундай ҳаракатларга бошқа йўл қўймаслик учун ишни судда кўриш	чора-тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиш, салбий оқибатларга йўл қўймаслик мақсадида саёҳат пайтида содир бўлувчи барча жараёнларни тартибга солиш
--	--	---

Туризмни ривожлантиришнинг давлат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган айрим функционал жиҳатлари 1.1-жадвалда келтирилган. Дарвоқе, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасида ўз сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиш учун ЖТТ давлатларга ўз сиёсий ва маъмурий тизимлари доирасида, бир томондан, барча миқёслардаги ваколатли департаментлар билан ҳамда, иккинчи томондан, меҳмонхона эгаларининг ташкилотлари, туристик агентликлар, авиакомпаниялар ва туризмда хавфсизлик билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан манфаатдор бўлган барча ташкилотлар ва органлар билан самарали ҳамкорликни ривожлантиришни тавсия этади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, юқорида зикр этилган ташкилотлар ва органлар ўртасида яхши алоқа йўлга қўйилган бўлмаса, туристлар саёҳат пайтида маълум муаммоларга, шу жумладан жиноий унсурлар томонидан туристлар ҳаёти ёки мол-мулкига тажовуз қилиш, айрим ташкилотлар (умумий овқатланиш тармоқлари, жойлаштириш воситалари ва ҳ.к.) томонидан малакасиз хизматлар кўрсатилиши билан боғлиқ муаммоларга тўқнаш келадилар. ЎЗР «Туризм тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасига мувофиқ, «туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар

ишлаб чиқадилар». Хуллас, туристик фирмалар маршрутларнинг хавфсизлигини қонун тартибида текширишлар шарт.

Бундан ташқари, туристик аҳамиятга молик инфратузилма объектлари мавсум пайтида ўқтин-ўқтин юзага келадиган туристларнинг катта-катта оқимларини атроф муҳитга ва умумий овқатланиш соҳасидаги санитария ҳолатига салбий таъсирларсиз қабул қилиш лаёқатига эга бўлишини таъминлашни қонун йўли билан тартибга солиш чора-тадбирлари ҳам кўрилиши лозим. Соғлиқни сақлаш чора-тадбирларини кўриш лозим деб топилган ҳолларда туристларга уларнинг салбий таъсирини мумкин қадар чеклаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Баъзан туристлар эксплуатация, зўрлик ишлатиш объектларига айланадилар. Бу муносабат билан мазкур жиноий хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчиларига нисбатан қаттиқ чоралар кўриш зарур, акс ҳолда мамлакат туристик сафарга чиқиш тавсия этилмайдиган мамлакатлар рўйхатига киритилиши мумкин. Бошқа томондан, шундай салбий ҳодисалар ҳам учраб турадики, баъзан туристик фирмалар маълум шахсларни фоҳишахоналарда ишлаш, норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун чет элга турист сифатида махсус юборадилар. Ваҳоланки, мазкур соҳалар кўпинча уюшган жиноятчилик таъсири остида бўлади. Сўнгги вақтда бу собиқ шўро мамлакатларининг деярли барчасида содир бўлмоқда. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Араб ҳамда ғарбий Европа мамлакатларида фуқароларимиз томонидан шу жумладан секс-хизматлар соҳасида норасмий фаолият кўрсатиши ҳолатлари ҳуқуқий тартибот ва миграция органлари томонидан қайд этилмоқда. 2000 йил декабрда Бухорода Ориповлар оиласи (олти киши, шу жумладан уч нафар вояга етмаган бола) ўлдирилди. Маълум бўлишича, улар қораевлар оиласининг норасмий туристик фирмаси хизматларидан фойдаланиб, турист сифатида Канадага кўчиб кетишни мўлжаллаган. Сохта турист кўринишида одамларни чет элга чиқариш (кулфурушлик)ни ташкил этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилганлар сони фақат 2002 йилнинг ўзида 23 кишини ташкил этди. Бу

соҳада аҳолига ҳуқуқий ахборот бериш давлат сиёсатининг мажбурий йўналишига айланмоғи керак.

Туристлар билан жисмоний (ёки юридик) шахслар ўртасида юзага келувчи баҳсларни суддан ташқарида тез ҳал қилиш учун ЖТТ экспертлари тегишли орган, масалан, умумий ёки махсус ваколатларга эга бўлган Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ёки шикоятлар бўйича воситачи орган тузишни тавсия этадилар. Туристлар уларга мурожаат этиб, юзага келган муаммоларни ҳал қилишлари мумкин, чунки бу уларнинг ҳуқуқий манфаатлари, шу жумладан хавфсизлик соҳасидаги манфаатлари билан боғлиқ.

Туристлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлатлараро ҳамкорлик ҳам, айниқса, табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар, йирик авариялар ва эпидемиялар содир бўлган ҳолларда, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Боз устига, туристлар ҳаёти ёки мол-мулкига жиддий тажовуз қилинган, айниқса, улар террористик актлар натижасида жабр кўрган ҳолларда қабул қилувчи мамлакат зудлик билан туристлар келган мамлакатга (агар имконият бўлса, дипломатик ёки консуллик ваколатхоналари орқали) жабр кўрган шахсларнинг соғлиғи ҳамда юқорида зикр этилган ҳодисанинг тафсилотлари тўғрисида барча зарур ахборотни тақдим этиши шарт.

Туризм бўйича 1989 йил Гаага Декларациясининг 8-тамойилида шундай дейилади: «Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш туризмни ривожлантиришнинг зарур шартидир»<sup>1</sup>. Бу муносабат билан экспертлар қуйидагиларни таклиф қиладилар:

- туристик сафарлар, саёҳатлар ва ташрифларни соддалаштириш чора-тадбирларини туристларнинг ҳамда туристик объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан бирга амалга ошириш;

---

<sup>1</sup> Уваров В.Д., Борисов К.Г. Международные туристские организации. Справочник. Москва, Международные отношения, 2011, с. 228.

- бу мақсадда туристларнинг ҳамда туристик объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишга йўналтирилган самарали сиёсатни ишлаб чиқиш;
- туристлар фойдаланганлиги учун алоҳида эътибор беришни тақозо этувчи туристик товарлар, объектлар ва асбоб-ускуналарни аниқ белгилаш;
- тегишли ҳужжатлар ва ахборотни тайёрлаш ҳамда туристик объектларга хавф-хатар таҳдид солган ҳолларда мазкур ҳужжатлар ва ахборотдан фойдаланилишини таъминлаш;
- ҳар бир мамлакатнинг қонунчилик тизимида хос тартиб-таомилларга мувофиқ, туристларни ҳимоя қилиш соҳасидаги юридик қоидаларни бажариш;
- туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш масалаларини тартибга солувчи чора-тадбирлар дастурларини тузишда давлатлар ЖТТ доирасида ҳамкорлик қилишларига эришиш.

## Учунчи боб бўйича хулоса

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида тайёрланган Давлат таълим стандарти, ўқув режа ва фанлар бўйича дастурларидан мазкур соҳа бўйича малакали кадрларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин, деган хулоса мутахассислар тамонидан олинди.

Президентимиз БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида келтирилган талабларидан келиб чиқиб, бугунги кунда туризм соҳасига хизмат кўрсатувчи малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш таклиф қилинади :

- иш берувчи билан ҳамкорликда таълим йўналишларнинг ўқув режа ва дастурларини тайёрлаш;
- бронлаштириш хизматларини амалга оширувчи оператор ва аниматорлик мутахассисликларни тайёрлашни ташкил қилиш;
- гид-бошловчи ва экскурсоводларга бўлган юқори талабни қондириш мақсадида ҳамда республикада бирон бир олий ўқув юрти бу таълим йўналишлари бўйича бакалаврларни тайёрламаслигини ҳисобга олган ҳолда, «гид ва экскурсия хизматлари» таълим йўналиши бўйича олий ўқув юртларида кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш;
- республика олий ўқув юртларида хорижий тил таълим йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар ҳамда туризм соҳасида камида 3 йиллик тажрибага эга бўлган ходимлар учун мақсадли равишда махсус курсларда ёки масофали ўқитишга асосланган иккинчи мутахассисликни йўлга қўйиш;
- туризм соҳасида фаолият кўрсатиб турган ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида ушбу вазифани туризм мутахассисларини тайёрлайдиган олий ўқув юртлар қошида “Ўзбектуризм” МК

Республика илмий-ўқув консалтинг Марказнинг филиалларини очиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда ;

- битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида олий ўқув юртлар қошида иш берувчилар билан ҳамкорлик Кенгашларини ташкил қилиш.

## Хулоса

Диссертацияда олиб борилган тадқиқотлар натижаси қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдириш имконини берди:

Президентимиз такидланганидек бугунги кунда Олий таълимнинг такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларини тайёрлаш борасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойиллари асосида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг фан дастурларини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига асосан янги такомиллашган Давлат таълим стандартлари талабларига кўра ўқув режадаги ўқув юкмасининг ҳажми ишда қайта тақсимланган.

Янгиланган классификаторга мувофиқ таянч олий таълим муассасалари иштирокида республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида олий таълимнинг 6 та билим соҳалари бўйича бакалавриятнинг 165 та таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг 447 та Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг тармоқ илмий тадқиқот институтлари, кадрлар истеъмолчиси бўлган йирик корхоналар ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда такомиллаштирилди ҳамда вазирлик хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиққа тавсия этилди.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш

тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш зарур бўлмоқда.

Диссертацияда Олий таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида амалий машғулотларнинг таълим технологияси ва технологик харитаси тузилмасидаги ўзгаришлар аниқ мисолларда кўрсатилган.

Олий таълимда **“5610300 – Туризм (халқаро ва ички туризм)”** бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режада қўйилган талабларга асосан қатор ўзгартиришлар киритилди. **5610300 – Туризм ( халқаро ва ички туризм)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича магистратура давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш жараёни амалга оширилди.

**5А610301 – Туризм (халқаро ва ички туризм) мутахассислиги** бўйича ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режада юқоридаги талабларга асосан ўзгартиришлар киритилди.

5А610301 – Туризм (халқаро ва ички туризм) мутахассислигининг ўқув фанларидаги ўзгаришлар қуйидагилардан иборат бўлди:

#### **Янги**

Туристлик хизматлар бозори

Туризм ривожланишини прогнозлаш

Хорижий туристларга туристик хизматларни ташкил этиш

Туристлик корхоналар молиявий хўжалик фаолияти таҳлили

#### **Аввалги**

Турмаҳсулотлар маркетинги

Туризмда инновацион фаолият

Туризмда стратегик режалаштириш

Туризм ривожланишини прогнозлаштириш

Туристлик маҳсулот тайёрлаш фаолияти

Хорижий туристларга туристик хизматларни ташкил этиш

Туризм мамлакатшунослиги

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ОЎМТВнинг 2013 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 253-сонли буйруғига биноан **5А610301–Туризм (халқаро ва ички туризм)** мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандарти ва ўқув режасини таянч олий таълим муассасаси сифатида биринчи марта ишлаб чиқилди.

**5А610301–Туризм (халқаро ва ички туризм)** мутахассислиги ДТС да кадрларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйилган талаблардаги янгиликлар қуйидагилардан иборат бўлди.

Т/р	Ишлаб чиқилган ДТС
1.	“Хорижий тилни эгаллаш бўйича Умум-европа ваколоти: ўқитиш, ўргатиш, баҳолаш” (CEFR) тизимини татбиқ қилган ҳолда халқаро стандартларга мослаштирилди.
2.	Европа стандартларида келтирилган чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, ихтисослашган олий таълим муассасалари учун белгиланган С1 – чет тилини ўрганишнинг эркин мулоқот даражаси (CEFR) талаблари киритилди.
3.	Компетентлик талаблари халқаро стандарт-ларга яқинлаштирилган ҳолда умуммаданий ва касбий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқилди.
4.	Битирувчиларнинг ихтисослик ва касбий фаолият турлари ва соҳалари қайта кўриб чиқилиб тегишли тузатишлар ҳамда қўшимчалар киритилди.

## Магистратурада таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги

Ўзбекистон Республикаси	Муддати	Қозоғистон	Муддати	Германия	Муддати
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Туристик хизматлар бозори</li> <li>• Туризм ривожланиши ни прогнозлаш</li> <li>• Хорижий туристларга туристик хизматларни ташкил этиш</li> <li>• Туристик корхоналар молиявий хўжалик фаолияти таҳлили</li> </ul>	<p>5 ой</p> <p>5 ой</p> <p>5 ой</p> <p>5 ой</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Туризм иқтисодиёти</li> <li>• Туризм индустриясининг назарий-методологик муаммолари</li> <li>• Туризмда маркетинг тадқиқотлари</li> <li>• Туризмда кўнгилочар хизматларни ташкил этиш муаммолари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• 5 ой</li> <li>• 5 ой</li> <li>• 5 ой</li> <li>• 5 ой</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бизнес юритиш асослари ва ҳуқуқий нормативлар (меҳнат ҳуқуқи, халқаро солиқ ҳуқуқи, сайёҳлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш)</li> <li>• Туризм соҳасида хизмат кўрсатишни ташкил этиш</li> <li>• Илмий-амалий методлар (амалий тадқиқотлар, семинарлар ва магистрлик иши)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• 5 ой</li> <li>• 5 ой</li> <li>• 5 ой</li> </ul>

## Таклифлар

Президентимиз ЮНВТО Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида келтирилган талабларидан келиб чиқиб, бугунги кунда туризм соҳасига хизмат кўрсатувчи малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш таклиф қилинди :

- иш берувчи билан ҳамкорликда таълим йўналишларнинг ўқув режа ва дастурларини тайёрлаш;
- бронлаштириш хизматларини амалга оширувчи оператор ва аниматорлик мутахассисликларни ОЎЮ да тайёрлашни ташкил қилиш;
- гид-бошловчи ва экскурсоводларга бўлган юқори талабни қондириш мақсадида ҳамда республикада бирон бир олий ўқув юрти бу таълим йўналишлари бўйича бакалаврларни тайёрламаслигини ҳисобга олган ҳолда, «гид ва экскурсия хизматлари» таълим йўналиши бўйича олий ўқув юртларида кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш;
- республика олий ўқув юртларида хорижий тил таълим йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар ҳамда туризм соҳасида камида 3 йиллик тажрибага эга бўлган ходимлар учун мақсадли равишда махсус курсларда ёки масофали ўқитишга асосланган иккинчи мутахассисликни йўлга қўйиш;
- туризм соҳасида фаолият кўрсатиб турган ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида ушбу вазифани туризм мутахассисларини тайёрлайдиган олий ўқув юртлар қошида “Ўзбектуризм” МК Республика илмий-ўқув консалтинг Марказнинг филиалларини очиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда ;
- битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида олий ўқув юртлар қошида иш берувчилар билан ҳамкорлик Кенгашларини ташкил қилиш.

Диссертацияда туризм таълим сифатини оширишда Unwto Tedqual тизимини жорий қилиш таклиф қилинди. Унга кўра олий таълим муассасасида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва зарурий чора тadbирларни қабул қилиш ҳамда вазиятни реал баҳолашга имкон берувчи катор кўрсаткичларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими изчил йўлга қўйилган бўлиб, бу борада юзага келадиган камчиликларни бартараф этиб бориш ва туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириб боришни тоқозо этади.

Туризм соҳаси кадрларини тайёрлаш жараёнида қуйидагиларга амал қилиш таклиф қилинди :

- мамлакат лицейлари, коллежлари ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини узаро боғлиқлиги ва узлуксизлигини методик таъминлаш;
- ўқитишнинг интерактив методларини, замонавий ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг фаолият кўрсатишини илмий методик таъминлаш, рақобатбардошли кадрлар тайёрлашга йўналтирилган тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида республикада юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш каби йўналишларни ўз ичига олади.

## **Фойдаланган адабиётлар**

### **1. Ҳукукий-меъерий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни. – Т.: 1999 йил, 20 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни. – Т.: 1999 йил, 14 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. – Т.: 1998 йил, 24 декабр.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги 302–сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори”.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 29 октябрда тасдиқланган 418-сонли буйруғи (“Магистратура тўғрисида Низом”, Адлия Вазирлигида 2012 йил 18 декабрда 2405-рақам билан рўйхатдан ўтган).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори.
6. «Буюк Ипак Йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги ПФ-1162-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 310 – сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги «Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 497-сонли Қарори.
9. «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сонли қарори.

### **3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузалари:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”. 2009. – 46 б.
3. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли

фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 27 январ.

4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 30 январ.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш концепцияси // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 13 ноябр.
6. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // ”Халқ сўзи”, 2011 йил, 22 январь.
7. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тарраққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // ”Халқ сўзи”, 2012 йил, 20 январь.

#### **4. КИТОБ ВА ТУРКУМ НАШРЛАРИ**

1. Абдуллаева Т., Тухлиев Н. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. – Т.: Гос. науч. изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. – 414 с.
2. Агзамов С., Ташмуратов Т. Менеджмент международного туризма – Т.: ТашГУ, 1996. – 98 с.
3. Азар В.И., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка. – М.: ИПКГ, 1998. – 239 с.
4. Богданов Е.И. Планирование на предприятии туризма .СПб.: Изд.д. «Бизнес- пресс» .2005.
5. Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма – М.: Академия. 2005. – 119 с.
6. Bryden J. Tourism and development. N.Y.; L., 1998.
7. Гаагская декларация по туризму. Материалы межпарламентской конференции по туризму. Гаага (Нидерланды), 10-14 апреля 1989 г.

8. Горбунов А.А. Управление развитием городских социально-экономических систем – СПб,: ИСЭП РАН, 1996. – 232 с.
9. Национальное и региональное планирование туризма, Всемирная Туристская Организация, Мадрид, 1994.
10. Национальное и региональное планирование туризма, Всемирная Туристская Организация, Мадрид, 2003.
11. Петров А.Н. Стратегическое планирование развития предприятия: Уч. пособие. – СПб.: СПбГУЭиФ, 1994. – 106 с.
12. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 367 с.
13. Тухлиев И.С., Бектемиров А.Б., Усманова З.И.. Туризмда стратегик маркетинг. Ўқув кўлланма. – С.: СамИСИ, 2010. – 144 б.
14. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амриддинова Р.С. Туризм асослари. Ўқув кўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – С.: СамИСИ, 2010. – 284 б.
15. Тухлиев И.С., Кудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти. 2010. – 238 б.
16. Тухлиев И.С., Пардаев М.Қ. Туризм бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари. – Т.: “NOSHIRLIK YOG’DUSI”, 2010. – 74 б.
17. Юреев А.П. Планирование туризма. Учебное пособие. Донецк – 2003.

## ДИССЕРТАЦИЯ ВА ДИССЕРТАЦИЯЛАР АВТОРЕФЕРАТИ

1. Сафаров Б.Ш. Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди дис. – С.: СамИСИ, 2011. – 150 б.
2. Рахимов З.О. Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари ном.диссертация. СамИСИ, 2012.
3. Гольшева Е.В. Развитие сферы туризма Республики Узбекистан в период финансово-экономического кризиса // Актуальные проблемы туризма-2010, – Ташкент, 2010. - № 2. - С.5-9.

### **Интернет сайтлари:**

1. [www.uzbekturizm.uz](http://www.uzbekturizm.uz)
2. <http://lex.uz/uz/doc/act2008-07.html>
3. [http://www.hotelline.ru/technology\\_article.php?news](http://www.hotelline.ru/technology_article.php?news)
4. <http://www.tourism.uz>
5. <http://www.tour.uz>
6. <http://www.uzdaily.uz/articles-id-17586.htm>
7. <http://samarkandtourism.uz/?p=248>
8. <http://www.un.org>

**5610300 – Туризм ( халқаро ва ички туризм) бакалаврият таълим йўналиши бўйича магистратура давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш Бакалавриатурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари**

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Қозоғистон	Россия
1.	Бошланиши	Академик лицей ёки касб-хунар коллежидан сўнг	Умумий ўрта ёки касб-хунар коллежидан сўнг	Умумий ўрта ёки касб-хунар коллежидан сўнг
2.	Давомийлиги	4 йил (кундузги)	5 йил (кундузги, масофали)	4 йил (кундузги, сиртки, масофали)
3.	Таълим олувчилар сони	15-25	15-30	10-35
4.	Ўтиш жойлари	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент давлат иқтисодиёт универси-тети, Урганч давлат университети, Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети.	Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети, Мухтор Авезов номи Чимкент давлат университети, Абу Наср Фаробий номи Алмата давлат университети ва б.	(В) РОССИЯ ДАВЛАТ ТУРИЗМ ВА СЕРВИС УНИВЕРСИТЕТИ, ТУРИЗМ АКАДЕМИЯСИ, РОССИЯ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СПОРТ, ЁШЛАР ВА ТУРИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ, Ю.А.СЕНКЕВИЧ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ ИНСТИТУТИ, РОССИЯ ДАВЛАТ ГУМАНИТАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА Б.
5.	Таълим берувчилар	Туризм соҳаси бўйича юқори малака ва тажрибага эга бўлган иқтисод фанлари докторлари, профессорлар, фан номзодлари, мутахассис ўқитувчилар ҳамда тажрибали туристик фирмалар ва меҳмонхоналар раҳбарлари.	Туризм соҳаси бўйича юқори малака ва тажрибага эга бўлган фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, мутахассис ўқитувчилар ҳамда тажрибали туристик фирмалар ва меҳмонхоналар раҳбарлари.	Туризм соҳаси бўйича юқори малака ва тажрибага эга бўлган фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, мутахассис ўқитувчилар ҳамда тажрибали туристик фирмалар ва меҳмонхоналар раҳбарлари.
6.	Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш	Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Факултет декани-кафедраси муdiri-(бевосита таълим берувчи ўқитувчи)-бакалавр.	Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Факултет декани-кафедраси муdiri-(бевосита таълим берувчи ўқитувчи)-бакалавр.	Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Факултет декани-кафедраси муdiri-(бевосита таълим берувчи ўқитувчи)-бакалавр.

## Бакалавриатурада таълим жараёнининг таркиби

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Қозоғистон	Россия
1.	<b>Назарий таълим</b>	Назарий таълим жараёни асосан аудиторияларда янги педагогик ва ахборот технологиялари ёрдамида профессор-ўқитувчилар томонидан маъруза машғулотлар олиб борилади.	Назарий таълим жараёни асосан аудиторияларда янги педагогик ва ахборот технологиялари ёрдамида профессор-ўқитувчилар томонидан маъруза машғулотлар олиб борилади.	Назарий таълим жараёни ҳам аудиторияларда ва ҳам дистанцион янги педагогик ва ахборот технологиялари ёрдамида профессор-ўқитувчилар томонидан маъруза машғулотлар олиб борилади.
2.	<b>Амалий таълим</b>	Амалий таълим жараёни замонавий таълим технологиялари ёрдамида аудиторияларда ёки туристик корхоналарга экскурсиялар ташкил қилиш орқали амалга оширилади.	Университетларда ва уларнинг қошида ташкил қилинган турфирмалар ҳамда меҳмонхоналарда.	Амалий таълим жараёни замонавий таълим технологиялари ёрдамида аудиторияларда ёки туристик корхоналарга экскурсиялар ташкил қилиш орқали амалга оширилади.
3.	<b>Илмий тадқиқот ишлари</b>	Бакалавриатурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув ишини туристик фирмалар фаолияти мисолида амалга оширади. Кафедра профессор-ўқитувчилари ёки туризм соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар.	Бакалавриатурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув ишини туристик фирмалар фаолияти мисолида амалга оширади. Кафедра профессор-ўқитувчилари ёки туризм соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар.	Бакалавриатурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув ишини туристик фирмалар фаолияти мисолида амалга оширади. Кафедра профессор-ўқитувчилари ёки туризм соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар.
4.	<b>Мустақил таълим</b>	Бакалаврлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича муассасаларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, туризмга оид	Бакалаврлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича муассасаларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар,	Бакалаврлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича муассасаларда яратилган шароитлардан (тарқатма

		расмиятчилик хужжатлари, кутубхона, интернет тармоғи ва шу кабилар) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	туризмга оид расмиятчилик хужжатлари, кутубхона, интернет тармоғи ва шу кабилар) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	материаллар, туризмга оид расмиятчилик хужжатлари, кутубхона, интернет тармоғи ва шу кабилар) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.
5.	<b>Таълим жараёнида баҳолаш</b>	Бакалаврларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ , якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади.	Бакалаврларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ , якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади.	Бакалаврларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ , якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади.

### Бакалавриатурада таълим жараёнининг мазмуни ва давомийлиги

Ўзбекистон Республикаси	Муддати	Қозғистон	Муддати	Россия	Муддати
1. Микроиқтисодиёт	5 ой	1. Макро-микроиқтисодиёт	5 ой	1. Иқтисодиёт	5 ой
2. Макроиқтисодиёт	5 ой	2. Туризм тарихи	5 ой	2. Туризм статистикаси	5 ой
3. Статистика	5 ой	3. Меҳмонхона иши	5 ой	3. Мамлакатшунослик	5 ой
4. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар	5 ой	4. Туризм иқтисодиёти	5 ой	4. Туризм тарихи	5 ой
5. Менежмент	5 ой	5. Экология	5 ой	5. Технология	5 ой
6. Маркетинг	5 ой	6. Туризм асослари	5 ой	6. Туризм бозори иқтисодиёти	5 ой
7. Туризм	5 ой	7. Мутахассисликка кириш	5 ой	7. Туристик-рекреацион лойиҳалаштириш, туристик маршрутларни ишлаб чиқиш	5 ой

				технологияси	
8. Халқаро туризм	5 ой	8. Туризмда тадбиркорлик фаолиятининг асослари	5 ой	8. Туризмда транспорт таъминоти	5 ой
9. Меҳмонхона хизматлари	5 ой	9. Халқаро туризм тарихи	5 ой	9. Овқатланиш корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва унинг технологияси	5 ой
10. Туризм иқтисодиёти	5 ой	10. Туризмда бухгалтерия ҳисоби	5 ой	10. Ўлжашунослик	5 ой
11. Туризм инфратузилмаси		11. Туризм менежменти		11. Туризм индустриясида бухгалтерия ҳисоби	
12. Туризмда хариталаштириш ва туристик маршрутлар ишлаб чиқиш	5 ой	12. Туризм маркетинги	5 ой	12. Туризм индустриясида инновацион менежмент	5 ой
13. Туризмда транспорт хизматлари	5 ой	13. Туризм ва социал соҳалар микроиқтисодиёти	5 ой	13. Экскурсия хизматларини ташкил этиш ва унинг технологияси	5 ой
14. Ресторан менежменти	5 ой	14. Халқаро туризм географияси	5 ой	14. Туризм индустриясида маркетинг	5 ой
15. Туризмни режалаштириш	5 ой	15. Экскурсияшунослик	5 ой	15. Туристик фаолиятни ташкил этиш	5 ой
16. Минтақавий туризм	5 ой	16. Туризм бизнесини режалаштириш ва ташкил этиш	5 ой	16. Туроператорлик ва турагентлик хизматларини ташкил этиш ва унинг технологияси	5 ой
17. Туристик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудит	5 ой	17. Туризм инфратузилмаси	5 ой		
18. Экскурсия хизматларини ташкил этиш	5 ой	18. Меҳмонхона хўжалиги	5 ой		
19. Туризм маркетинги	5 ой				
20. Туризм менежменти	5 ой				
21. Экологик туризм	5 ой				
22. Туроперейтинг	5 ой				